

ТОШКЕНТ ОҚШОМЛИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСІЙ ГАЗЕТАСИ

№ 60 (10.365)

2005 ЙИЛ 28 МАРТ

**ПОЙТАХТНИНГ
Дир кўни**
Янгиликлар, воқеалар

● **ЮНУСОБОД** туманидаги «Минор» маҳалласида «Камолот» ЁИХ туман Кенгаши ташаббуси билан бир ҳафта аввал бошланган ободонлаштириш ишлари **ЎТГАН** кўни ниҳоясига етди.

● **КЕЧА** Ҳамза туманидаги Акмал Икромов номи маҳаллада фаоллар, кам таъминланган оилалар аъзолари иштирокида Наврўз айёмига бағишлаб ўтказилган тадбир бир туман ҳокимлиги, «Маънавият ва маърифат» жамғармасининг туман бўлими ҳамкорлигида уюштирилди.

● **ЭРТАГА** «Янгиобод» маҳалласида баҳорий таомлар — сумалак, кўк сомса, ҳалим, кўк чучвара тарихига бағишлаб ўтказилган тадбирда маҳалла фаоллари ва ёшлари иштирок этишди.

● **ЎТГАН** кўни Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда Юнусобод туманидаги Мирзо Улугбек маҳалласи ҳамкорликларида «Аҳлини фаулқолда» вазиятларга тайёрлаш» мавзусида тактик дала машғулотлари ўтказилди.

● **БУГУН** Ўзбекистон Республикаси Киночилов уйда санъат муҳлислари эътиборига ўзбек кино ижодкорлари томонидан яратилган «Севги фазоси» мелодрамаси намойиш этилди.

● **БУТУНЖАҲОН** силга қарши кураш кўни муносабати билан Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, Республика Саломатлик институтининг Тошкент шаҳар филиали, шаҳар силга қарши диспансери ҳамда Тошкент шаҳар Оксколлар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси ташаббуси билан «Силсиз ҳаёт учун курашайлик» мавзусида брифинг бўлиб ўтди.

● **АКМАЛ** Икромов туманидаги «Исроил ҳожи ота» қаҳвахонасида Наврўз байрами муносабати билан уюштирилган тадбирда ногиронлар ҳамда кам таъминланган оилалар аъзолари иштирок этишди.

● **СЕРГЕЛИ** туманидаги Амир Темур гузаридида туман ҳокимлиги ташаббуси билан кам таъминланган оилаларнинг 185 нафар фарзандлари учун хайрия тадбири уюштирилди.

● **ҲАМЗА** туманидаги Махмур маҳалласида туман ҳокимлиги, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида Наврўз айёмига бағишлаб хайрия тадбири ва концерт томошаси ўтказилди.

● **ЮНУСОБОД** туман ҳокимлигида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши ташаббуси билан ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари «Камолот» етакчиларининг ҳуқуқий билимини оширишга мўлжалланган ўқув семинари бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
муҳбирларимиз хабарларидан.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ТАРМОҚНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Қурилиш материаллари санотида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва тармоқни жадал ривожлантириш, янги замонавий қурилиш материаллари, конструкциялари ва буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда унинг турларини кенгайтириш, кадрлар тайёрлаш, мактаб таълими ва уй-жой қурилишини ривожлантириш умуммиллий дастурларини амалга оширишни ҳисобга олган ҳолда ички бозорнинг қурилиш материалларига бўлган талаб-эҳтиёжи қондирилишини таъминлаш, шунингдек экспорт саноатини ошириш мақсадида:

1. Куйидагилар 2010 йилгача бўлган даврда қурилиш материаллари санотида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва тармоқни жадал ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

биринчи навбатда устувор умуммиллий ижтимоий дастурларни амалга ошириш учун иқтисодиёт тармоқлари ҳамда аҳолининг қурилиш материалларига бўлган талаб-эҳтиёжлари тўлиқ қондирилишини назарда тутган ҳолда уларни ишлаб чиқариш ҳамжариини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш;

қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг янги замонавий технологияларини, жумладан, республикамизда амалий илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни ривожлантириш асосида жорий этиш ва ўзлаштириш;

тармоқ корхоналарини хусусийлаштириш жараёнини ниҳоясига етказиш, хусусий корхоналар барпо этишни рағбатлантириш ҳамда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб этиш билан қурилиш материаллари бозорини монополиядан чиқариш ҳамда рақобат муҳитини вужудга келтириш; ҳудудларнинг эҳтиёжлари ва истиқболда маҳаллий қурилиш хомашё ресурсларининг янги конларини ўзлаштиришни ҳисобга олган ҳолда қурилиш материаллари корхоналарининг оқилона ҳудудий жойлаштирилишини таъминлаш.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Давархитектурулиш» кўмитаси ҳамда Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси, «Ўзуриллиш материаллари» уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг:

ўрта махсус касб-хунар таълими, умумтаълим мактаблари, болалар спорти, уй-жой ва сановат-фурқар қурилишини ривожлантириш дастурларининг параметрларига асосан ишлаб чиқилган 2005-2010 йилларда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг мақсадли кўрсаткичлари;

республика миқтақаларида 2005-2010 йилларда қурилиш материаллари санотида жадал ривожлантириш ва қурилиш материалларининг янги турларини яратиш бўйича инвестиция лойиҳалари рўйхати;

жойлашда амалга оширилаётган ижтимоий ривожланиш дастурлари ва сановат-фурқар қурилишнинг параметрларидан келиб чиққан ҳолда 2005-2010 йилларда республика миқтақаларида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни қўшимча равишда кўпайтириш бўйича мақсадли вазифалари;

2005-2010 йилларда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун ўзлаштирилаётган янги нурда хомашё конлари рўйхати;

2005-2010 йилларда қурилиш материаллари экспортининг мақсадли кўрсаткичлари тўғрисидаги тақлифлари қабул қилинсин.

3. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган янги корхоналар барпо этиш борасидаги истиқболли инвестиция тақлифлари рўйхати маъқулансин.

4. «Ўзуриллиш материаллари» уюшмаси ҳузуридида янги технологиялар ҳамда қурилиш материалларининг юқори самарали янги турларини ишлаб чиқариш соҳасидаги амалий илмий тадқиқотлар ва конструкторлик-технология ишланмаларини

марказлаштирилган тартибда молиялаштириш учун бюджетдан ташқари махсус Жамғарма ташкил қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги ва «Ўзуриллиш материаллари» уюшмаси билан биргаликда бир ой мuddатда ушбу махсус Жамғармани шакллантириш манбаларини аниқласин, мазкур Жамғармани шакллантириш ва унинг маблағларидан мақсадли фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда тасдиқласин.

5. «Ўзуриллиш материаллари» уюшмаси корхоналари томонидан олиб келинадиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва мазкур Фармонда кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган усуналар ва ёрдамчи материаллар 2006 йилнинг 1 январидан бошлаб икки йил мuddатга боғланиб тўловлари тўлашдан (боғланиб расмийлаштириши учун йиғимлар бундан мустасно) озод қилинсин.

Белгилансинки, бўшайдиган маблағлар қурилиш материаллари саноти корхоналарини янгилаш ва техника билан қайта қурилантиришга мақсадли фойдаланиш учун йўналтирилади.

6. 2005-2009 йилларда қурилиш материаллари саноти корхоналарига ноънаҳавий хомашё турларини етказиб бериш қўшилган қиймат солиғини тўламасдан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустриyasi масалалари ахборот-таҳлил департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тегишли вазирликлар ва идоралар «Ўзуриллиш материаллари» уюшмаси билан биргаликда:

қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган янги корхоналар барпо этиш борасидаги истиқболли инвестиция лойиҳалари тўғрисидаги ахборотли маҳаллий ва хорижий инвесторлар, маънафаддор корхона ва ташкилотларнинг кенг доирасига етказилсин;

янги ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш ҳамда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг юқори унумли ва ресурсларни тежайдиган технологияларни жорий этиш лойиҳаларини амалга ошириш учун маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб этишда тадбиркорлик субъектларига ёрдам кўрсатилсин;

8. Қурилиш соҳасида ислохотларнинг амалга оширилиши мониторингини ва фаолиятини лицензиялаш бўйича Республика комиссияси (А.Х.Тўхтаев) ишларнинг мувофиқлаштирилишини ҳамда 2010 йилгача бўлган даврда қурилиш материаллари санотида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва тармоқни жадал ривожлантириш жараёнини, шунингдек ушбу Фармон билан бериладиган имтиёз ва преференциялардан тўғри, мақсадли ва самарали фойдаланилиши мониторингини тегишли даражада олиб борилишини таъминласин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Х.Тўхтаев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 24 март

XXI саҳоси
Барча мамлакатлардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Сановат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитаси Европа Иттифоқининг «ЕвропаЭйд» дастури доирасидаги «Ўзбекистонда демократик ислохотларни чуқурлаштириш» лойиҳаси билан ҳамкорликда «Қонун лойиҳаларини тайёрлаш техникаси» мавзусида тренинг ўтказди.

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

● Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округлари қўшинлари кўмондонлари, ҳарбий қисм командирлари тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарларнинг икки кунлик ўқув-услубий йиғилиши бўлиб ўтди.

● «Экосан» халқаро ташкилоти, Ўзбекистон Фанлар академияси, Республика файласуфлар жамиятининг ҳамкорлида «Сихат-саломатлик йилгача бағишлаб ўтказилган илмий-амалий конференцияси «Экология ва инсон саломатлигининг фалсафий масалалари» мавзусига бағишланди.

● Наврўз умумхалқ байрами кунларида Куйичирчик туманидаги «Юлдуз» маҳалласида янги умумтаълим мактаби биноси қад ростлади. Ушбу замонавий бинода кенг ва ёруғ тўқизта синфхона, бир неча минг китоб сақлашга мўлжалланган кутубхона мавжуд.

● Навоий вилоятида тадбиркор, фермер ва хунармандлар ўртасида «Ташаббус-2005» кўрик-танловининг вилоят босқичи якунига етди.

● Жаҳонда

● БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши Судан жанубига 10 минг кишидан кам бўлмаган тинчликпарвар кучларни киритиш учун овоз берди. Ушбу кучлар ўт очини тўхта-тиш, вазиятни барқарорлаштириш ва инсонпарварлик ёрдамларини етказиш билан шуғулланади.

● Татаристон давлат кенгаши республика Президенти лавозимига Минтемир Шаймиев номзодини тасдиқлади.

● АКШдаги Калифорния университети компьютер тизимига номаълум хакерларнинг кириши натижасида ўқув юртидаги 59 минг нафар хизматчи ва талабалар қаҳадига маълумотлар ўғирланди. Ғарзли шахслар ушбу муаммолардан бошқаларнинг номларидан қалбаки операцияларни амалга оширишда фойдаланишлари мумкин.

● Канада ҳукумати шу йилнинг 29 мартидан бошлаб мамлакатдаги тюленларни овлашга рухсат берди.

Оламда нима ган?

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

● Хитой Шимолий Корея билан олти томонлама музокараларни тиклаш учун ҳар бир тараф билан ҳамкорлик қилишга тайёр. Бу ҳақда Хитой давлат раҳбари Ху Цзиньтао АҚШ давлат котиби Кондолиза Райс билан Пекинда бўлиб ўтган учрашув чоғида маълум қилди.

● Фидель Кастро Москвага келмоқчи. Бу ҳақда Кубанинг Россиядаги элчиси Хорхе Марти Мартинес матбуот анжуманида маълум қилган. Унинг айтишича, Фидель Кастро Владимир Путиндан махсус таклифнома олган. 78 ёшли Кастронинг Россияга ташрифи унга қулай вақтда амалга оширилади. Элчининг қайд этишича, ушбу сафар икки давлат раҳбарлари тарафидан ўзаро келишилган.

● Исроил ҳукумати Иордан дарёсининг Гарбий қирғоғидаги Тулкарм шаҳрида хавфсизликни таъминлаш ваколатини Фаластинга беришни мўлжаллаётди. Айни пайтда Иерихон шаҳри назорати тўлиқ Фаластин маъмуриятига берилди. Исроил мудофаа вазирининг сўзларига қараганда, андиликда Рамаллох, Вифлеем ва Калкилий шаҳарларини фаластинликларга топшириш юзасидан чоралар кўриляпти.

● АҚШ Давлат департаментининг расмий вакили вази фасини бажарувчи Эдам Эрлининг маълум қилишича, Никарагуа ҳукуматидаги кўчиб юрувчи зенит ракеталарини йўқ қилиш билан боғлиқ ички низо туфайли бу мамлакатга АҚШнинг ҳарбий ёрдами тўхтатилди. Эрлининг айтишича, АҚШ асосан ҳарбий кадрларни тайёрлаш ва усқуналар етказиб бериш билан боғлиқ жами 2 миллион долларга яқин ҳарбий ёрдамини бекор қилган.

● Бундан бир муддат олдин суд диктатор Бенито Муссолининг невараси Аллессаендре Муссолининг маҳаллий сайловларда иштирок этишини таъқиқлаганди. Италия Олий маъмурий суди диктатор неварасига сайловларда ўз номзодини қўйишига рухсат берди. Сийсатчиларнинг таҳмин қилишича, унинг «Ижтимоий муқобиллик» партияси сайловда ғалаба қозонса, Аллессаендре губернатор бўлиши ҳам мумкин.

● Япония жанубида Кюсю оролида Рихтер шкаласи бўйича 7 баллик zilzila қайд этилди. Сунги маълумотларга қараганда, бир одам ҳалок бўлган, 500 га яқин аҳоли жароҳатланган.

● Покистон жанубидаги Белужистон музофотида рўй берган портлаш оқибатида 30 нафардан ортик одам ҳалок бўлди, ўнлаб киши жароҳатланди. Шаҳарнинг диний маросимлари ўтказиладиган жойига 20 мингга яқин аҳоли йиғилганда портловчи усқуна ишга тушиб кетган.

Наврўз нашидаси

МЕҲР- МУРУВВАТ КЎРСАТИЛДИ

Наврўз қадриятларимизни ўзида мужассам этган азалий байрам. Унда ёш уқари яқинларини яшариш, уйғониш фасли кириб келгани билан қутлайди. Муҳтожларга меҳр-мурувват кўрсатилиб, хасталар ҳолидан хабар олинади.



Куни кеча пойтахтимизнинг Бектемир туманида жойлашган «Астробод» гузарига бўлиб ўтган Наврўз тантаналари ана шундай хайрли ишларга бағишланди. Тумандаги тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати-Ўзбекистон либерал демократик партияси ташаббуси билан ўтказилган ушбу байрамда кам таъминланган 18 оила фар-



зандларининг суннат туйлари бўлиб ўтди. Уларнинг ҳар бири номига банкда ҳисоб рақами очилиб, 15 минг сўмдан маблаг ўтказилди.

Ҳаётнинг илк оstonасидан хатлаган бу мурғак қалблар ёнларида сажий, меҳрибон кишиларнинг борлигидан жажжи юраклари тўлқинланиб кетган бўлса не ажаб.

СУРАТЛАРДА: Бектемир туманидаги «Астробод» гузарига бўлиб ўтган Наврўз тантаналаридан лавҳалар.

Муҳаммад Амин (ЎЗА) олган суратлар.

ГАНГА СОҲИЛИДАГИ ЭРТАКМОНАНД МАМЛАКАТ

БУГУН Бангладеш Халқ Республикасида катта шодиёна – мамлакат Мустақиллиги куни, Бангладеш халқи бундан 34 йил бурун қон тўкишларга йўғрилган кураш билан уни қўлга киритган эди. Бу йил мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ва самарали ҳамкорлик алоқалари ўрнатилганга ўн йил тўлади.

— Икки томонлама товар айланмаси ҳажми тобора ўсиб бормоқда, ўтган йили у 18 миллион АҚШ долларини ташкил этди, — дейди Бангладешнинг Ўзбекистондаги элчиси Сухроб Хусайин. — Бангладеш энгил сановатчилари ажойиб ўзбек пахтасини бажонидил харид қилишади. Сунги пайтларда мамлакатимизга ўзбек бободеҳқони етиштирган мева ва сабзавотлар ҳам тез-тез олиб келинаёткири, улар ўртдошларимиз томонидан севиб харид қилинмоқда.

Ўзбекистон пахтасига бўлган қизиқиш тасодифий ҳол эмас. Бангладешда жуда кам миқдорда пахта етиштирилади. Бу экин мамлакатнинг намлиги юқори бўлган иқлимга мослаша олмайпти. Енгил сановати эса йилдан – йилга ривожланиб бормоқда. Хайратланарли жиҳати шундаки, Бангладеш ҳар йили 6 миллиард АҚШ доллари миқдорига енгил сановат маҳсулотлари экспорт қилаёттир. Сунги пайтларда Ўзбекистонга келаётган бангладешлик бизнесменлар нафақат пах-

та толасини харид қилишга, балки бу ерда қўшма енгил сановат корхоналари қуришга ҳам катта қизиқиш билдиришмоқда.

Давлат ишчи кучини экспорт қилишдан ҳам мўмайгина даромад олади. Миллионлаб бангладешликлар (унинг худуди бизнинг мамлакатимиз худудидан уч баробар кичик, аҳолиси эса 140 миллион кишини ташкил этади) дунёнинг турли нукталарида меҳнат қилишади. Уларнинг кўпчилиги, хусусан, Саудия Арабистони, Қувайт, Малайзия ва Буюк Британияда. БМТнинг кўп сонли тинчликпарвар кучлари тарқибда Бангладеш ҳарбий хизматчилари сон жиҳатидан энг кўпдир. Бу ҳам мамлакат ҳазинасини бойитади.

Мулоқотимиз чоғида Сухроб Хусайин жаноблари кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиш борасидаги ўзаро ҳамкорлигимиз кўламлигини кенгайтириш масаласига алоҳида тўхталди.

— Бангладешда кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари мавсуми ноябрь ойидан — январгача, Ўзбекистонда эса апрелдан — октябрь ойигача бўлган даврга тўғри келади. Бу эса бир-биримизни мавсумлараро на-вбатма-навбат ширин-шакар, фойдали ва арзон тушадиган мева-сабзавотлар билан таъминлашимиз учун жуда қулай имкониятдир. Мавсумнинг авж палласида ананаснинг баҳоси бизда қанча туришини биласизми? Бир килограмми 3 цент.

Мен, рости, Тошкент бозорида 30 – 50 сўмга ананас харид этишни тасаввур ҳам қила олмайман. Демокчиманки, бу йўналишда дипломатлар ҳамда ишбилармон кишиларимиз учун етарлича ишлар мавжуд. Икки томонлама шартномавий-хуқуқий асосларни кенгайтиришимиз, ишончли шериклар ҳамда сув ва қуруқлик йўлидаги қулай транспорт йўналишларини қидириб топишимиз керак, деб ўйлайман. Чунки ҳаво йўли орқали чартер билан олиб келинган пиёз ёки узум баҳоси Бангладешда «Тошкентдаги ананас нархи»га айлиб қолади. Ҳозир элчи-

хонамиз Ўзбекистон пойтахтида катта савдо-сановат кўргазмасининг ўтказилиши борасида тайёрлик ишларини олиб бормоқда.

Ҳамкорлигимиз доираси иқтисодиёт билан чегараланиб қолмаган, албатта. Маданий соҳадаги алоқаларимиз ҳам ривожланиб бораёпти. Масалан, 2003 йили Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида Бангладеш вакили фахрли унвонли муқофотга сазовор бўлди, ўтган йили эса ўзбекистонлик мактаб ўқувчиси Дилноза Холматова Даккада бўлиб ўтган болалар санъати халқаро танловида бронза нишонини қўлга киритди. Бир-биримиз билан ўзаро борди - келдиларимиз кенгайиб бораётгани қувонарли ҳолдир. Чунки бу бир-биримизни яқиндан, яхши билишимизга хизмат қилади.

— Бизларнинг аъёнларимиз, маданиятимизда муштарак жиҳатлар кўп, — дейди элчи жаноблари. — Ўтган йили Тошкентга келгач, бир неча ҳафтadan сўнг ўз вазирига қўнғирок қилиб, давлат раҳбарига ишонч ёрлигини топширган ишони билдирган ва мени шундай ажойиб мамлакатга хизмат сафарига юборгани учун унга миннудият изҳор этган эдим.

Олег ШАТУНОВСКИЙ, «Жаҳон» АА шарҳловчиси.

Иқтисодиёт

БУЮРТМАЛАР ЎЗ ВАҚТИДА ЕТКАЗИЛМОҚДА

Шаҳримизда фаолият юритаётган «Royalalchi» акциядорлик жамияти бугун кунда йилга 1 миллиард 200 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳиятига эга бўлган корхоналардан саналади.


1994 йилда акциядорлик жамияти сифатида иш бошлаган корхонада айни дамда 170 нафар киши иш билан таъминланган. Жамият мавсумбop oёқ кийимлар, спорт пойабзаллари ва энг асосийси ҳарбийлар учун этиклар ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, буюртма асосида иш юритади.

Шунингдек, корхона ностандарт буюртмалар ҳам олиб, буюртмачи талабига мос oёқ кийимлар тайёрлаб, ўз вақтида етказиб бермоқда.

— Ишлаб чиқарилган маҳсулот агар оморда тўпланиб қолса, демакки, корхона фаолияти яхши йўлга қўйилмаган бўлади, — дейди бош муҳандис Фозил Фуломов.

— Бозор талабини ўрганмай, ишлаб чиқаришни йўлга қўйган корхона ҳам охири оқибат инқирозга учраши тайин. Бозор иқтисодиёти даврида бошланган ишнинг эртанги натижаси аниқ бўлиши керак, айниқса маҳсулотга харидор топиш муҳим аҳамиятга эга. Шундай экан ҳозирда жамиятимиз буюртма асосида иш олиб боради.

Корхонада тайёрланган мавсумбop пойабзаллар айни кунда акциядорлик жамиятига қарашли дўконда ҳамда Тошкент универмағида сотувга чиқарилади. Шунингдек, корхона маҳсулотларини шартнома асосида Сирдарё ви-



лоятдаги «Бахт» дўкони ҳам сотиб олади. Жамиятда ишлаб чиқарилаётган 10 дан ошиқ турдаги мавсумбop oёқ кийимлар сифатини янада яхшилаш устида ишлаётган жамоанинг келгуси режалари буюртмачилари сонини ошириш ҳамда ишлаб чиқариш ҳажминини кенгайтиришдир.

Орузгул РУСТАМОВА СУРАТЛАРДА: корхона ишчилари Ханифа Раҳимова ҳамда Дилдора Рашидова ҳарбийлар учун тикмалаётган этикларга ишлов беришмоқда; Ботир Ҳошимов иш устида.

2005 - Сухат-саломатлик йили

ҲАМШИРАЛИК ТАЪЛИМИ ЮКСАЛИШДА

Биринчи республика тиббиёт коллежида ҳамширалик таълимини тақомиллаштириш маркази очилди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан соғлиқ билан амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлаш, беморларга тез ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатишни кенг йўлга қўйиш, халқимиз орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилаётган. Бунда ҳамширалар фаолиятини тақомиллаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

— Коллежимизда уч йўналишда уч минг нафар-

дан кўпроқ талаба таҳсил олади, — деди мазкур колледж директори М.Зиёева ЎЗА мухбирига. — Уларга жaxon андозалари даражасида таълим бериш, фўникма ва маҳоратини янада ошириш мақсадида мамлакатимиздаги тиббиёт ва илмий-тадқиқот муассасалари билан бир қаторда ривожланган хорижий давлатлардаги етакчи илм-фан марказлари билан ҳам яқиндан ҳамкорлик қилиб келяпмиз.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика шовилинч тиббий ёрдам илмий маркази ҳамда Япония-

нинг ОИТА университети билан имзоланган беш йиллик ҳамкорлик лойиҳаси бунга мисол бўла олади. Унинг доирасида ўтган йил бир гуруҳ ўқитувчи ва мутахассисларимиз Японияда малака ошириб қайтди. Қўнчиқар мамлакат олимлари ҳам юртимизда бўлиб, ҳамширалик ишини тақомиллаштириш юзасидан ўқув машғулотлари ўтказётди.

Коллежнинг замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги марказида ўтказилган илмий семинарда ана шу ҳақда гап борди.

ЎЗА

Инсон саломатлиги бебаҳо неъматдир. Саломатлик — туман бойлик деганларидек, аввало, ҳар бир одам ўз соғлиғи ҳақида қайғуриши, ҳар бир оила ўзидан соғлом насл, соғлом зурриёт қолдириши лозим. Хўш, бу масъулиятга ҳамма ҳам бирдек ёндошаётими? Ёш оила қурувчи йигит-қизлар ўз олдларидан турган бурчлари: соғлом авлоднинг дунёга келтириш баробарида фарзандларни ҳам жисмонан, ҳам ақдан вояга етказишга масъул эканликларини тушуниб етмоқдаларми?

Мақбурлар

ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Мазкур мавзуларга бағишланган "Оила — муқаддас ватан" ёш оила қурувчилар мактабининг давра суҳбати "ЖАР" спорт соғломлаштириш марказида ўтказилди. Тадбир машғулотлари аънанавий тарзда беш йилдан беш оғиб борилган бўлиб, ушбу давра суҳбати жорий йилнинг биринчи семинари ҳисобланади. Давра суҳбати Тошкент шаҳар Адлия бош бошқармаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши, Нихоҳ ва оила маросимлари маркази ҳамда Ф.Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи ташаббуси билан уюштирилди.

Тадбирда кўпга шифокорлар, маҳалла хотин-қизлар комиссиялари раислари, мутахассис ва психолог-шифокорлар, шунингдек, шахримиздаги бир қанча коллеж ўқувчилари иштирок этди. Давра суҳбатида сўз олган Нихоҳ ва оила маросимлари маркази катта назоратчиси Мавжуда Мақсудова оиланинг жамиятдаги ўрни, ёш никоҳланувчиларнинг тиббий саломатлиги, ота-оналар соғлиғи, аёллар ва эркакларда учрайдиган турли хил касалликлар

ва уларнинг олдини олиш хусусида батафсил маълумот берди. Ҳозирда, юртимизда ёш оила қурувчиларнинг никоҳланиш олдидан тиббий кўриқдан ўтишлари зарур эканлиги қонун билан белгилаб қўйилганлиги ҳақида ҳам айтиб ўтди.

Дарҳақиқат, инсон саломатлиги бебаҳодир. Зеро, аёл ёки эркеkning касаллиги оиланинг емирилишига олиб келиши мумкин. Инсон мустаҳкам, барқарор оилادا яшати учун аввало соғлом бўлиши керак. Сухат-саломатлик йили муносабати билан ўтказилган давра суҳбатидан катта ҳаёт бўсағасида турган ёшлар ўзларига тегишли хулосалар чиқаришлари деб ўйлаймиз. Машғулотнинг ушбу йилдаги якуни декабрь ойида ўтказилиши мўлжалланиб, "Сиз оила қуришга тайёриксиз?" деб номланган бўлди. Унда ўқувчи-ёшлар йил давомида тўплаган билимларини мутахассисларга ифодалаб беришлари, энг фаол тингловчиларга соғла-саломлар топширилиши кўзда тутилган.

Юлдуз УСМОН


БИДИМЛАР БЕЛЛАШУВИ

Чилонзор туманидаги Алишер Навоий номи 202-ўрта мактабида "Сиз тарихни биласизми?" мавзусида билимдонлар беллашуви бўлиб ўтди. Унда 202-ўрта мактабининг 8-синф ўқувчилари уч жамоага бўлинишиб, ўзаро куч синашишди. Ушар шартдан иборат бўлган бахсларда ўқувчилар ўзларининг зўқоликлар, заковатлари қай даражада эканлигини намойиш этишди. Гуруҳ сардорлари Навоий, Бобур газалларидан ёд олган парчаларни ўқиб беришди.

— Мактабимизда бундай беллашувларнинг тез-тез ўтказилиб турилиши натижасидан-ми, ўқувчиларимиз туманда биринчилиكنи қўлга киритишди, — дейди мактаб директори Муҳайё Саидқаримова.

Мактаб ўқувчилари томонидан ижро этилган ашула ва рақслар мусобақанинг янада қизиқарли ўтишини таъминлади.

СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.



Муқозага, муқозага

КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАР

ЧИПТАНГИЗНИ КЎРСАТИНГ

Автобўсага чиқишимиз билан олдимизга назоратчи келди.

— Марҳамат қилиб чипта олсангиз.

— Бизники ойлик чипта.

— Кўрсатинг.

Кўрсатдик. У юзини бужмайтириб нари кетди. Биз билан ёнма-ён ўтирган йигитдан йўл ҳақини сўради. Уники ҳам ойлик чипта экан.

— Тавба, бир автобус одамдан атиги 5-6 тасигина пул тўлаб, чипта олса-я, қолганлариники ойлик чипта. Бунақада режани қандай бажараман, — деди у нолиб. Кейин 7-8 ёшлар чамасидаги болақайни суроққа тутди.

— Сеники ҳам ойлик чиптами? Нега билет олмай безрайиб турибсан?

— Пулим йўқ, — деди болақай жавдираб?

— Пулинг йўқ бўлса нега автобусга чиқасан?

Уртага йўловчилар аралашди.

— Ёш бола экан, бир галча кечира қолинг опаси, энди.

— Сизлар аралашманлар.

Ҳар куни бунақа болалардан қанчаси чиқади автобусга. Ҳаммасининг гапи бир. «Пулим йўқ» деб кўзини бакрайтириб тураверади. Уларнинг барчасини кечираверсам, билетимни кимга сотаман, — чиптачи аёл шундай дед яна болага зўғум қила бошлади. — Туш, ҳозир туш, автобусдан.

— Келинг шу бола учун мен йўл ҳақини тўлай қўлай, — дед йўловчилардан бири ҳаменидан пул чиқариб чиптачига тутди.

Назоратчи йўл ҳақини олгандан кейин ҳам тинчимайди. Ўзича нималарни деб гўлдиради.

Биз ҳайрон эдик. Балки чиптачи ҳақдир. Лекин кичкина болани кўпчилик олдида шу қадар изза қилиш шартмикин, деган савол ҳозир ҳаммамизнинг бошимизда қарх урарди. Яна бир гап. Ойлик чиптаси бор йўловчилар кўпинча автобус назоратчиларига негадир унчалик ёқинқирамайди. Нега? Нимага? Бу саволларга ким қандай жавоб беради?

Карим МАҲМУДОВ.

СИЗ БУНГА НИМА ДЕЙСИЗ?

Мана бир неча кундирки, ўз кўзим билан кўрган ва эшитган бир воқеа менга асло тинчлик бермайдди. Юрсам ҳам, турсам ҳам ҳаёлимда ўша кўрган-кечирганларим.

Яқинда бир дугонаникига дарс тайёрлагани йиғилган эдик. Қўшни ҳовлида аёл кишининг йиғиси, сўнг «Менга ҳам осон тутманг, ёшманку ахир. Бу ахволда ўлгингиз билан қандай турмуш кечираман», деган сўзлари баралла эшитилди.

— Жон қизим, айланай сиздан. Ўз дардим ўзимга етади, мени ўртаманг, — деб зорларди она бечора.

Ҳаммамиз таажуб билан дугонаникига қарадик. У тираб-қақшаб қўлидаги китобни ерга тушириб юборди. «Яна бошланди», — деди.

...Ҳамдам ака билан Зулфия опалар бундан тўрт йил муқаддам турмуш қуришибди. Тотув яшашибди. Эр геолог, хотин шифокор бўлган бу оилادا орадан бир йил ўтгач фарзанд туғилади. Ўтган йили

қуз фаслида фалокат содир бўлади. Ҳамдам ака хизмат юзасидан қидирув ишларини олиб бораётганда тоғдан қулаб тушади. Шифокорларнинг муолажалари туфайли омон қолади. Лекин тошдан тоғга урилиб, суюқлари синиб, бўлаканиб кетган оёқларини сақлаб қолишнинг иложи бўлмади. Шу туфайли ёшгина йигит икки оёғидан айрилиб тақдирга тан берди. Аммо тақдирнинг бу ўйинига Зулфия чидай олмайди. Ундан ором йўқолади. Буни қарангки, оққорани таниган, олий маълумотли шифокор аёл ноғирон эр билан яшашга ор қилади. Шу туфайли бу хонадондан ҳар куни жанжал аримайди.

Ҳаётда шундай аёллар борлигидан афсусланаман, деб мактубини яқунлайди Тошкент Давлат тиббиёт институтининг 3-курс талабаси Марҳаб Махмудхўжаева.

Биз бу хатни таҳрир қилиб ўтирмадик. Уни шундайлигича газетхонлар эътиборига ҳавола этдик. Мактубда билдирилган фикрларга қандай хулоса яшас ҳар кимнинг ўз эътиборига ҳавола.

ЙЎЛАК

БЕГОНАМИ?

Яқинда Қоракаммидаги беш қаватли уйлардан бирида бўлдик. Йўлақдан охириг қаватга кўтарила эканмиз, кўзимиз ойна ва эшикларнинг синиқлигига, йўлақнинг ҳар бир қаватида сочилиб ётган майда-чуйда қувурларга, қоғоз парчаларига, писта пўчқолари, папирос қолдиқларига тушди. Бир сўз билан айтганда, ўн оила яшайдиган йўлак анчадан бери қаровисиз қолдирилган деб эди. Йўлаги шу бўлса уйлари қанақа экан, деган ҳаёлда керакли эшик қўнғирогини босдик.

Мезбон оўстимиз бизни қуюқ кутиб олди. Ичкарида бутунлай бошқа манзара. Хона батариб, озода. Мебеллар дид билан жойлаштирилган. Қатор кетган сервантларга тегиб қўйилган биллур идишлар жой-жойида. Оёк остида доғ кўринмайди, пол ярқирайди.

Бир пиёла чўк устидаги суҳбатимиз яқун топиб хонадон эгалари билан хайрлашадиган бўлдик. Уй соҳиби бизни қўярда-қўймай пастки қаватга-ча кузатиб чиқди. Зиналардан пастлаб борар эканмиз, йўлакнинг бетартлиғи ҳақида унга оғиз очдик.

— Ҳамиша шунақа, — деди у. — Кўшнилариимиз яхши эмас. Биз тозалаб қарчаймиз, кўшнилар ифос қилиш билан овора. Кейин биз ҳам борея дедигу, йўлакка қарамай қўйдик.

— Нима сизларда уй бошлиғи йўқми? Ахир ўша кўни-кўшниларни тартибга чақириб турса бўлардику?

— Бор, лекин у ҳам бир-икки марта айтиди. Сўзига қиришмаганидан сўнг «Менга нима» деб қўл силкиди шекилли, ҳозир ҳеч кимнинг иши йўқ.

Қизик, шунча хонадон, уларда қанча одам яшайдиган бу йўлакнинг шу қадар қаровисиз ётиши кўрган кўзга галати туюларкан. Наҳот шу йўлақдан юриб ўтувчи оилалар ўз уйлари тартибга келтиришга вақт топишсаю, кичкинагина йўлакчани бартариб қилиб қўйишга вақтлари етмаса? Нима, улар учун бу йўлак бегонами?

Ҳалил ЗОКИРОВ



ПАЙШАНБА, 31

«Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ анонс.
8.40 «Кўна замин оҳанглари».
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Соғлом танда - соғ ақл». 2. «Кизиқарли учрашувлар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Фаройиб тўти «Полли». Бадийий фильм.
11.30 «Ўзингни, ўз юртингни ўзинг асра!»
11.50 ТВ клип.
12.05 «Харакатда - баракат».
12.20 «Оламга саёхат».
12.40 «Одий ҳақиқатлар». Токшоу.
13.15 «Бегона». Телесериал.
14.10 «Журналист тахлими».
14.30 «Гап чикди».
15.10 «Санъатга бахшида умр».
15.30 ТВ анонс.
15.35 «Парле ву франса?»
15.55 «Наврўз тухфаси».
«Болалар сайёраси»:
16.25 1. «Болалар спорти». 2. «Цирк, цирк, цирк».
17.25 «Буни умр дерлар».
17.45 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.10 «Туз ҳақида афсона». Мультфильм.
18.20 «Куйла, ёшлигим».
18.40 «Ҳаётимиз комуни».
19.00 ТВ анонс.
19.05 «Зийнат».
19.25 «Ўзлото кундалиги» ва рекламалар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Алданиш азоби». Хужжатли фильм.
21.25 «Оҳанглар оғушида».
21.35 Телемулоқот.
22.20 «Навоий гулшани».
22.45 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Бегона». Телесериал.
23.45 «Ахборот-дайжест».
00.05-00.10 Ватан тимсоллари.

«Тошкент»

17.00 Программа передач.
17.10 Серил на ТТВ:
«Театр Рея Бредбери».
17.35 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
17.55, 20.40 Телегазета «Экспресс».
18.10 «Пойтахт йўлларида».
18.30, 20.00, 20.55, 21.35 Информационная программа «Пойтахт».
18.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
19.20 Серил на ТТВ: «И это кино».
20.20 «Аёллар салтанати».
21.15 «Эл хизматида».
21.55 Премьера на ТТВ: «Девушка с жемчужной серёжкой». 2-серия.
22.45-22.50 Спокойной ночи, город!

«Спорт»

7.30 «Новости».
7.45 «Бодрое утро». Информационно-развлекательная программа.
8.45 «Новости» (на русском языке)
9.00 «На спортивных площадках».
9.15 Мультфильм.
9.20 «Клон». Серил.
10.30 Мини футбол.
11.05 Студия «Равнак» представляет.
11.20-12.50 Комедия «12 ступень» 1-серия.

16.55 Программа передач.
17.00 «Новости» (на русском языке)
17.15 Мультфильм.
17.30 «Спорт клуб».
17.40 «Клон». Серил.
18.50 «Смех, да и только».
20.00 «Время».
20.30 «Спорт - моя жизнь».
20.45 «3-тайм».
21.00 «Новости».
21.15 Премьера. «Всё о Еве». Серил.
22.05 Международный спорт: «Еврофутбол».
23.40 «Спокойной ночи!»

30-й канал

12.00 Открытие программы
12.05 «Теле-хамкор»
12.25 «Детский час»
12.50 «Полицейский Кэтс и его собака», серил
14.00 Художественный фильм, «Широко шагая», остросюжетный фильм
15.40 «Аёллар орзуси» - передача для женщин
16.25 «Тайны мира», познавательная передача
17.25 «Теле-хамкор»
17.45 «Детский час»
18.10 «Музыкальная пауза»
18.45 «Полицейский Кэтс и его собака», серил
19.45 «Ошикона»
20.30 «Кичкинтойлар олами», детская передача
21.00 «Теле-хамкор»
21.20 «Музыкальная пауза»
22.20 Киновечер на «30-м».
«Эрнест играет в баскетбол», комедия
00.00 Программа передач

ОРТ

5.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 2.00, 4.00 Новости
8.05, 20.30 «Брежнев». Серил
9.20, 17.40 Серил «Клон»
10.30 Дисней-клуб: «Утине истории»
11.20 Комедия «12 ступень»
12.50 «Алексей Косыгин». Док/ф
13.30 «Угадай мелодию»
14.20 Боевик «Родина ждёт»
15.20 «Пять вечеров»
16.30, 17.10 Криминальная Россия.
«Злодей на все руки»
18.50 «Смех да и только»
20.00 Время
21.40 Фильм о фильме «Брежнев: кадры решают все...»
22.10 «Человек и закон»
23.00 Тайная история искусств. «Все напродажу»
23.40 «Гении и злодеи»
00.10 Комедия «Джек - медвежонок»
2.05 Фильм «Здесь, на земле»
3.50, 4.05 Серил «Приключения Геккелеса»

Россия

2.00 «Доброе утро, Россия!»
5.45, 17.55 Детектив «Тайны следствия-4»
6.45 «Тайны блокад-

ЖУМА, 1

«Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ анонс.
«Болалар сайёраси»:
8.40 1. «Болалар спорти». 2. «Цирк, цирк, цирк».
9.40 «Зийнат».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Экранда кинокомедия: «Иван Васильевич касбини ўзгартиради».
11.35 «Узлинг намоён кил». Экранда - Сирдарё вилоти.
11.55 ТВ клип.
12.05 «Чўнтак». Ҳажвий видеофильм премьераси.
13.05 Мусикий таннаффус.
13.15 «Бегона». Телесериал.
14.10 Телемулоқот.
14.55, 17.25 ТВ анонс.
15.00 «Эргиннинг орузи». Ўзбек Миллий академик драма театрининг спектакли.
«Болалар сайёраси»:
16.25 1. «Санъат гуначалари». 2. «Ўйла, Изла, Топ». Телемулоқот.
17.30 «Меъмор».
17.50 Мусикий таннаффус.
18.10 «Экран хандаси».
18.40 «Тафсилот».
19.00 «Хидоят сари».
19.20 «Пластик картоналар ҳамма учун фойдалар».
19.25 «Ўзлото кундалиги» ва рекламалар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Дастурхон атрофида».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муносабат».
21.35 «Келин-куёв» сахиларида.
22.20 Экранда кинокомедия: «Шохидама баргида». Бадийий фильм.
24.00 «Ахборот-дайжест».
00.20-00.25 Ватан тимсоллари.

ТВ-3

7.30 Победоносный голос верующего.
8.00, 8.30, 9.00, 9.30 «Мульти-пульти».
10.00 Х/ф «Как ухитить собаку вашего соседа»
12.10 Х/ф «Частный детектив, или Операция «Кооперация»
14.00, 19.00 Док. сериал «Потрясающие каскадерские трюки-11»
14.30 Док. сериал «Секреты кино»
15.00 Х/ф «Снежная королева»
16.50 Х/ф «Племяники»
19.30, 1.00 Док. сериал «На пределе»
20.00 Телесериал «Воровка-2»
21.00 Х/ф «Ангел мести»
23.00 Х/ф «Эльвира - повелительница тьмы»
1.30 Х/ф «Тайна ордена»

«Тошкент»

17.00 Программа передач.
17.10 Экран детям.
17.35 «Табриклаймиз-кутлаймиз»
19.05 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
19.55, 20.20 Телегазета «Экспресс»
18.10 «Шунака гаплар». Ҳажвий курсатув.
18.30, 20.00, 21.50, 22.55 Информационная программа «Пойтахт»
18.50 «Табриклаймиз, кутлаймиз»
19.20 «Аския». Документальный фильм.
20.20 «Паловхонтура»
21.35 Показывает студия «Равнак»
22.10 «Аптека слушает»
23.15 Кинооко: «Бриллиантовая рука»
00.50-00.55 Спокойной ночи, город!

«Ёшлар»

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
8.30 «Янги авлод» студияси: Шоҳсупа.
8.50 Олтин мерос.
8.55 Икким.
9.00 Давр.
9.25 «Мухаббат можароси». Телесериал.
10.10 Болалар экранни: «Простоквашинолик учовлон».
10.45 «Сиз Японияни биласизми?» телесериалининг II босқичи якули.
10.50 «Ўзбек телефильм» намойиши: «Гузалик оламида»
11.00 16 га кирмаган ким бор?
11.20 «Экспедиция»
Хужжатли серил.

12.10 Бегийм.
12.30 Ёшлар овози.
12.50 Мусикий лажзалар.
13.10, 16.10, 19.35, 22.35 ТВ-анонс.
13.15 «Ака-ука Гримм эртаклари».
Мультсериал.
13.40 «Ёшлар» телеканалида премьера: Хайитмат Расул.
«Боши қотган ошиқлар». Ўзбек Миллий академик драма театрининг спектакли.
14.55 Тараққиёт сари.
15.15 «Даллас». Телесериал.
16.15 Дийдор.
16.35 Кўли гул уста.
16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?
17.25 «Мультмоша»
17.40 Ҳандалак.
18.05 Аскар мактублари.
18.25 Кишлоқдаги тенгдошим.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Икким.
19.00, 22.00 Давр.
19.35 Ўқишга марҳамат!
19.40 Телевикторина.
19.45 Оғабек Собиров куйлайди.
20.05 «Оила тилсими» 1-қисм.
20.25, 21.15 Эълонлар.
20.30 «Мухаббат можароси». Телесериал.
21.20 Ракурс.
21.45 ТВ-адвокат.
21.50 Олтин мерос.
22.40 Келинг, кулшайлик!
23.00 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.
23.50-23.55 Хайрли тун.

30-й канал

12.00 Открытие программы
12.05 «Теле-хамкор»
12.25 «Детский час»
12.50 «Полицейский Кэтс и его собака», серил
14.00 Художественный фильм, «Эрнест играет в баскетбол», комедия
15.40 «Ошикона»
16.25 «Тайны мира», познавательная передача
17.25 «Теле-хамкор»
17.45 «Детский час»
18.10 «Музыкальная пауза»
18.45 «Аёллар орзуси» - передача для женщин
19.15 «Передача «Премия Тарона 2005»»
19.45 «Ошикона»
20.30 «Кичкинтойлар олами», детская передача
21.00 «Теле-хамкор»
21.20 «Музыкальная пауза»
22.20 Киновечер на «30-м»:
«Левзимой», драма
00.00 Программа передач

ТВ-3

7.30 Победоносный голос верующего.
8.00, 8.30, 9.00, 9.30 «Мульти-пульти»
10.00 Х/ф «Бруно»
12.10 Х/ф «Развод и семеро детей»
14.30 Док. серил «Секреты кино»
15.00 Х/ф «Партнеры в действии»
17.00 Х/ф «Правила игры»
19.30, 1.00 Док. серил «На пределе»
20.00 Телесериал «Воровка-2»
21.00 Х/ф «Армейский пирог»
23.00 Х/ф «Эльвира - повелительница тьмы-2»
1.30 Х/ф «Эльвира - повелительница тьмы»

ОРТ

5.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00 Новости
8.05 «Брежнев».
9.20 Серил «Клон»
10.30 Дисней-клуб: «Аладдин»
11.20 Комедия «12 ступень»
12.50 Теория невероятности. «Судьба на ладони»
13.30 «Угадай мелодию»
14.20 Комедия «Улица полна неожиданностей»
15.40 «Пять вечеров»
17.20 «Ералаш»
17.40 «Поле чудес»
19.00, 20.25 Бенефис Юрия Гальцева и Елены Воробей
20.00 Время
21.50 Что? Где? Когда?
23.10 Комедия «Жизнь забавами полна»
1.10 Комедия «Поймет ли одинокий?»
3.00 Комедия «Познакомьтесь с Эпелгейтами»

НТВ

5.00 Канал «Сегодня утром»
8.05 «Мужские игры Екатерины Фурцевой»
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.00, 3.00 «Сегодня»
9.20 «Военное дело»
9.50 Серил «Слепой»
10.55 Детектив «Фаворский»
12.40 «Чистосердечное признание»
13.10 Фильм «Государственная граница»
14.35, 17.35, 20.50, 4.40 «Чрезвычайное происшествие»
15.25 Ток-шоу «Принцип домино»
16.30, 00.20 Серил «Москва. Центральный округ»
21.40 «К барьеру!» Ток-шоу
1.15 Бильярд
2.15 Серил «Супершпиони»
3.10 Серил «За гранью возможного»

Россия

2.00 «Доброе утро, Россия!»
5.00 Канал «Сегодня утром»
8.05 «Мужские игры Екатерины Фурцевой»
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.00, 3.00 «Сегодня»
9.20 «Военное дело»
9.50 Серил «Слепой»
10.55 Детектив «Фаворский»
12.40 «Чистосердечное признание»
13.10 Фильм «Государственная граница»
14.35, 17.35, 20.50, 4.40 «Чрезвычайное происшествие»
15.25 Ток-шоу «Принцип домино»

Давоми 5-бетда.

Охири. Боши 4-бетда.

16.35 «Стресс». Токшоу
18.40 Боевик «Восаде-2» (США)
19.40 «Совершенно секретно»
22.35 Фильм «Маверик» (США)
1.15 Бильярд
1.45 «Кома: это правда»
2.15 Сериал «Суперпионки»
3.10 Сериал «За гранью возможного»
4.00 Сериал «Любовь вдовца-2»

ШАНБА, 2

«Ўзбекистон»
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 Республика Курулси Кулчари бадий жамоаларининг концерти.
8.55 ТВ анонс.
«Болалар сайраси»:
9.00 1. «Санъат гуначалари». 2. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемузика.
10.00 «Хидоят сари».
10.20 «Музыка дунёси»
10.40 «Бу турфа олам».
11.30 , 14.40 ТВ анонс.
11.35 «Тафсилот».
11.55 Болалар учун. «Курок». Видеофильм.
12.50 «Алданиш азоби». Хужжатли фильм.
13.10 «Сизни мажбурий сизиз» Муслик дас-тур.
13.40 «Форрестри излаб». Бадий фильм, 1-кисм.
14.45 «Дустлик» студияси: 1. «Ўзбекистон - умумий уйимиз». 2. «Умид». 3. «Дурдаршан».
15.45 «Бурилинг саргузашлари». Мультфильм.
16.35 «Табият шифохонаси».
16.45 Болалар учун. «Саргузаштар ороли».
17.15 «Гап чикди» почтасидан.
17.30 Эстрада тароналари.
17.50 «Рангин дунё».
18.10 «Интеллектуал ринг».
18.55 «Кишлоқ хаёти».
19.15 «Ўзлото». Телелотерей.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгликлар» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Киёфа».
22.30 Санъат усталирининг концерти.
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:
22.50 «Киноафиша».
23.00 «Ахборот-дайджест»
23.20 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Хаёт ва хаёл». Бадий фильм.
00.50-00.55 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар»

6.55 Кўрсатувлар дастури.

7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
8.30 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?
8.50 Олтин мерос.
8.55 Иқлим.
9.00, 19.00 Давр.
9.25 «Мухаббат можароси». Телесериал.
10.10 Оханрабо.
10.50 Табат оламида.
11.15 «Сиз Японияни биласизми?» телевикторинасининг II босқичи якунали.
11.20 Ракурс.
11.45 «Махобхорат». Телесериал.
12.30 Кутилмаган меҳмон.
12.55 Интерфутбол.
14.35 Калпок.
15.10 «Денгиз одамлари». Бадий фильм.
16.40 Кишлоқдаги тенгдошим.
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 «Янги авлод» студияси. Билагон маслаҳати.
17.25 Зумрадойнинг эртаклари.
17.40 Бола тилидан.
18.10 Укшага марҳамат!
18.15 Саломатлик сирлари.
18.35 Каталог.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00, 22.00 Давр.
19.35, 22.35 ТВ -анонс.
19.40 «Оила тилсими» 2 - қисм.
20.00 Телевикторина.
20.05 «Килини кирк ёриб». Интеллектуал уйин.
20.55, 21.45 Эълонлар.
21.00 Жаҳон маданияти хазинасидан: «Махобхорат». Телесериал.
21.50 Олтин мерос.
22.40 Кулгуч.
22.50 «Ёшлар» телеканалида премьераси: «Техасда футбол» Бадий фильм.
0.40-0.45 Хайрли тун.

«Тошкент»

17.00 Программа передач.
17.10 «Мульткарусьель».
17.35 «Табриклэй-миз-кутлаймиз».
17.55, 19.20 Телегазета «Экспресс».
18.10 «Афиша».
18.30 «Дугоналар».
18.50 «Табриклэй-миз-кутлаймиз».
19.35 «Имконият».
19.55 «Пойте с нами».
20.55 Премьера на ТТВ: «Страх».
23.55-24.00 Спокойной ночи, город!

«Спорт»

7.30 «Новости».
7.45 «Бодрое утро». Информационно-развлекательная программа.
8.45 «Новости» (на русском языке)
9.00 Мультфильм.
9.10 А. Макаревич в программе «Три окна».
9.40 Звезды юмора.
11.00 «Новости».
11.10 «Аполлон-13»: авария на орбите».
12.00 Дини клуб.
12.30 «Умники и умницы».
13.10-14.00 «Пестрая лента». «Романс о влюбленных».
16.40 Программа передач.

16.45 «Новости» (на русском языке)
17.00 «Детский спорт».
17.20 «Инспектор Гаджет». Кинокомедия.
18.50 «Кто хочет стать миллионером?» с М. Галкиным.
20.00 «Время».
20.20 «Рекорды Гиннеса».
20.45 «Спорт - моя жизнь».
21.00 «Новости».
21.15 «Пятёрка сильнейших».
21.40 «Золотой граммофон».
22.40 Международный спорт: «Евробул».
00.15 «Спокойной ночи!»

30-й канал

9.00 Открытие программы
9.05 «Теле-хамкор»
9.25 «Детский час»
9.50 Фильм детям: «Каменный цветок», сказка
11.20 «Мир животных» - документальный фильм
11.40 Звёзды ринга на «30-м»: Лучшие поединки звезд профессионального и любительского бокса
12.50 Спорт-Экстрим
13.25 «Детский час»
13.50 Индийское кино: «От ненависти до любви»
16.30 Болалар соати
17.25 «Теле-хамкор»
17.45 «Ошикона»
18.30 Киновечер на «30-м»: «Выход дракона», карате
20.00 «Хюкя»
20.20 Хит-парад.уз
21.40 «Теле-хамкор», фойдал газетаси
22.00 «Полицейский Кэти и его собака», сериал
23.00 «Ночной канал» - «Большая драка», комедия

ОРТ

5.00, 9.00, 11.00, 17.00 Новости
5.10 Сериал «Десятое королевство»
5.30 Фильм «Короткие встречи»
7.20 Играй, гармонь любимая!
8.00 Слово пастыря
8.10 Здоровье
9.10 «Три окна» Андрея Макаревича
9.40 «Звезды юмора на Первом»
11.10 История географией. «Аполлон-13»: авария на орбите»
12.00 Дисней-клуб: «Микки Маус и его друзья»
12.30 Умницы и умники
13.10 «Пестрая лента»
14.00 «Слабое звено»
14.50 Концерт Александра Малинина «По дороге домой»
16.00 Программа «Прости»
16.50 Классика Уолта Диснея. Золотые годы Микки Мауса.
17.20 Боевик «Инспектор Гаджет»
18.50 «Кто хочет стать миллионером?»
20.00 Время
20.20 «Розыгрыш»
21.40 «Золотой граммофон»
22.40 Триллер «Вне времени»
00.40 Комедия «То,

что ты делаешь»
2.40 Триллер «Летучие мыши»

Россия

2.45 Детектив «Инспектор уголовного розыска»
4.15 «Большая перемена» с Юрием Николаевым.
4.40 «Золотой ключ».
5.00, 8.00, 11.00, 17.00 Вести.
5.10, 8.10 Местное время. Вести-Москва.
5.20 «Русское лото».
5.55 «Утренняя почта».
6.25 «Субботник».
7.10 «Смехопанорама Евгения Петросяна».
8.20 «Сто к одному». Телеигра.
9.10 Комедия «Блеф» (Италия)
11.20 Комедия «Невероятные приключения итальянцев в России».
13.00 Фильм «Один шанс из тысячи»
14.30 «Маэстро»
15.00 «Веселый вечер «Аншлага»»
16.50 «В Городке»
17.15 Фильм «Гарри Поттер и философский камень» (США)
20.10 Комедия «Ресепт колдуни»
22.10 Фильм «28 дней» (США)
00.20 Остро сюжетный фильм «Маленький солдат» (Франция).
2.00 Канал «Евроьюс» на русском языке.

ТВ-3

7.30, 8.00, 8.30, 9.00, 19.00, 19.30 «Мультфильмы»
9.30 «Черепашкинндзя: новые приключения-9»
10.00 Х/ф «Снежная королева»
11.50 Х/ф «Как убит собаку вашего соседа»
14.00 «Иди и смотри»
14.10 «Ла Страда» - ваша дорога к красоте.
14.30 Док. сериал «Секреты кино»
15.00 Х/ф «Частный детектив, или Операция «Кооперация»»
17.00 Х/ф «Любит, не любит»
20.00 «Голливуд On-Set»
20.30, 1.00 «Остро-рожно, модерни!»
21.00 Х/ф «Посланик королевы»
22.55 Х/ф «Убийца с топором»
1.30 Х/ф «Эльвира - повелительница тьмы 2».

НТВ

5.00 М/ф «Самый маленький гном»
5.20 Боевик «Восаде-2» (США)
7.00, 9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 3.00 «Сегодня»
7.15 Мультфильм «Ну, погоди!»
7.25 Детектив «Полицейский Кэти и его собака»
7.55 «Без рецепта»
8.25 «Дикий мир»
9.20 «Растительная жизнь»
9.55 «Кулинарный поединок»
10.55 «Квартирный вопрос»
12.25 «Особо опасен!»
12.55 Фильм «Человек-амфибия»
15.20 «Женский взгляд»
15.55 «Своя игра»
16.55 Сериал «Ко-

дексести-2».
18.40 Профессия - репортер.
19.10 Боевик «Служители закона» (США)
21.50 «Мировой бокс».
22.30 Фильм «Лихорадка субботнего вечера» (США)
00.50 «Футболистика»
1.35 Фильм «Сентябрь» (США)
3.15 Комедия «Операция «Коза» (Польша)

ЯКШАНБА, 3

«Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Оналар мактаби»
11.20 «Бу турфа олам»
12.10 «Алифбо сабоқлари»
12.30 «Созлар садоси»
12.55 «Интеллектуал ринг»
13.40, 14.55 ТВ анонс.
13.45 «Форрестри излаб». Бадий фильм, 2-кисм.
15.00 «Дустлик» студияси: 1. «Рангинкамон». 2. «Дидар». 3. «Айчурек». 4. «Чинсан»
16.20 «Шеърга кўнган кўнглим»
«Болалар сайраси»: 16.35 1. «Улғайиш поғоналари». 2. «Олтин тож»
17.35 «Фаннимиз даргалари»
17.55 Мумтоз наволар.
18.05 «Иктидор». Телелуид.
18.50 «Мастуль суэс»
19.10 «Бизнес-хафта»
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 «Тахлилнома» (рус тилида)
20.05 «Ободлик кўнглидан бошланади»
20.30 «Тахлилнома»
21.15 «Одами эрсанг»
21.40 «Кўшигимиз Сизга армугом»
«Якшанба кинозал»: 22.00 «Истиқомат хукуки». Бадий фильм.
23.40-23.45 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар»

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
8.30 «Янги авлод» студияси. Билагон маслаҳати.
8.50 Зумрадойнинг эртаклари.
9.05 Болалар экранни: «Коинотдан келганлар»
9.45 Кулгуч.
9.55 Очил дастурхон.
10.15 Хамкор - 2005.
10.25 Ешлик наволари.
10.35 «Қаҳқаҳа» театр студияси намойиши.
11.05 «Ёшлар» телеканалида харбий ватанпарварлик дастури: 1. Марди майдон. 2. Аскар мактаблари.
11.45 «Махобхорат». Телесериал.
12.30 «Заковат». Интеллектуал уйин.
13.30 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
14.00 Меҳр кўзда.
14.40, 17.35, 19.30 ТВ-анонс.

14.45 «Галаба онлари». Бадий фильм.
16.25 Чемпион сирлари.
16.45 Ринг қироллари.
17.40 Кўрсатувлар дастури.
17.45 «Янги авлод» студияси: Катта таънаффус.
18.05 Спорт хафтаномаси.
18.20 Хуш келибсиз!
18.45 ТВ -афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр» хафта ичида.
19.35 «Оила тилсими» 3-қисм.
19.55, 20.45 Эълонлар.
20.00 Жаҳон маданияти хазинасидан: «Махобхорат». Телесериал.
20.50 Оханрабо.
21.30 «Оқшом юлдузи». Дам олиш ва ахборот дастури.
22.30 «Қочқо келин». Бадий фильм.
0.20-0.25 Хайрли тун.

«Тошкент»

17.00 Программа передач.
17.10 Экран детям.
17.30 «Табриклэй-миз-кутлаймиз»
17.50, 20.15 Телегазета «Экспресс».
18.05 «Волшебный мир сказок»
19.45 «Табриклэй-миз-кутлаймиз»
20.25 «Ровесник»
20.55 Киноом: «Защита Лужина»
22.35-22.40 Спокойной ночи, город!

«Спорт»

7.30 «Новости».
7.45 «Бодрое утро». Информационно-развлекательная программа.
8.45 «Новости» (на русском языке)
9.00 «Секреты здоровой пищи». На английском языке.
9.10 «Непутевые заметки» с Д. Крыловым.
9.30 «Пока все дома»
10.10 «Веселые старты»
10.45 Тяжелая атлетика.
11.15 Легкая атлетика.
11.45 «История Международного спорта»
12.40-14.10 Комедия «7 няnek».
16.55 Программа передач.
17.00 «Новости» (на русском языке)
17.15 «Бинафша».
17.40 «Ваш соперник гроссмейстер».
18.00 Комедия «Бриллиантовая рука»
20.00 «Время».
20.45 «Народные игры»
21.00 «Новости» в запасе».
21.35 Международ-ный спорт: «Еврофутбол»
23.10 «Спокойной ночи!»

30-й канал

9.00 Открытие программы
9.05 «Теле-хамкор»
9.25 «Детский час»
9.50 Фильм детям:
«Раз два горе не беда», сказка

11.20 «Теле-хамкор»
11.40 «Дикая планета»
13.00 «Передача»
«Премия Тарона 2005»
13.30 Хит-парад.уз дастури.
14.50 Болалар соати
15.45 Дневной кинозал: «Большая драка» комедия
17.25 «Теле-хамкор»
17.45 «Музыкальная пауза»
18.20 Киновечер на «30-м»: «Взрыватель», комедия
19.50 «Ошикона»
20.35 «Полицейский Кэти и его собака», сериал
21.35 «Теле-хамкор»
21.55 «Музыкальная пауза»
23.00 Воскресный кино вечер на «30-м»: «Последний бойскаут», остро сюжетный фильм
00.00 Программа передач

ОРТ

5.00, 9.00, 11.00, 17.00 Новости

ТВ-3

7.30 Жизнь в слове.
8.00, 8.30, 9.00, 19.00, 19.30 «Мультфильмы»
9.30 «Черепашкинндзя: новые приключения-10»
10.00 Х/ф «Снежная королева»
11.50 Х/ф «Бруно»
14.00, 20.30 «Остро-рожно, модерни!»
14.30 Окно в мир.
15.00 Х/ф «Армейский пирос»
17.00 Х/ф «Посланик королевы»
20.00 «Голливуд On-Set»
21.00 Х/ф «Безликий»
22.55 Х/ф «Крутые: дело №1. Смертельное шоу»
1.00 Док. сериал «Четверонogie в кадре и за кадром-10»
1.30 Х/ф «Убийца с топором»

НТВ

4.45 Мультфильм «Двенадцать месяцев»
5.40 Фильм «Небесный тихоход»
7.00, 9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 3.00 «Сегодня»
7.15 «Сказки Баженова»
7.40 «Их нравы»
8.25 «Едим дома»
9.20 «Чрезвычайное происшествие»
9.50 «TOP GEAR»
10.25 «Дачники»
11.00 «Школа злодея»
12.00 «Военное дело»
13.00 Фильм «Акция»
15.20 «Тайны разведки»
15.55 «Своя игра»
16.55 Сериал «Кодекс чести-2»
18.40 «Чистосердечное признание»
19.15 Сериал «Опера. Хроники убойного отдела»
21.22 «Воскресный вечер с Владимиром Соловьевом»
22.30 Фильм «С любовью, Лиля»
00.45 Остро сюжетный фильм «Успеть вспомнить» (США)
2.30 «Рублевский жени»
Фильм
3.15 Фильм «Шкура ангела» (Франция)
4.30 Профессия-репортер

Россия

3.00 «Семейка Джетсонов». Мультфильм
4.10 «Гостинец от крестной!». Мультфильм.
4.25 «Колоссальное хозяйство»
4.40 «Военная программа» Александра Сладкова.
5.00, 8.00, 11.00 Вести.
5.10, 8.10 Местное время. Вести-Москва.
5.20 «Студия «Здоровье»»
5.50 «ТВ Бинго шоу»
6.05 «Диалого о жи-

вотных».
7.00 «Вокруг света».
8.20 «Городок».
8.55 «Сам себе режиссер»
9.50 «Ха». Маленькие комедии.
10.15 «Парламентский час»
11.20 «Фитиль N37»
12.10 Фильм «Жертва во имя любви» (Индия)
14.40 Большой праздничный концерт.
17.00 «Вести недели с Сергеем Брилевым»
18.00 «Специальный корреспондент»
18.25 Программа Дмитрия Диброва «Я готов на все!»
19.30 Фильм «К-19» (Германия - Великобритания - США)
22.10 «Горячая десятка»
23.05 Чемпионат мира по автогонкам в классе «Формула-1». Гран-при Бахрейна.
00.10 Сериал «Клоун»
1.05 Канал «Евроьюс» на русском языке.

ТВ-3

7.30 Жизнь в слове.
8.00, 8.30, 9.00, 19.00, 19.30 «Мультфильмы»
9.30 «Черепашкинндзя: новые приключения-10»
10.00 Х/ф «Снежная королева»
11.50 Х/ф «Бруно»
14.00, 20.30 «Остро-рожно, модерни!»
14.30 Окно в мир.
15.00 Х/ф «Армейский пирос»
17.00 Х/ф «Посланик королевы»
20.00 «Голливуд On-Set»
21.00 Х/ф «Безликий»
22.55 Х/ф «Крутые: дело №1. Смертельное шоу»
1.00 Док. сериал «Четверонogie в кадре и за кадром-10»
1.30 Х/ф «Убийца с топором»

НТВ

4.45 Мультфильм «Двенадцать месяцев»
5.40 Фильм «Небесный тихоход»
7.00, 9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 3.00 «Сегодня»
7.15 «Сказки Баженова»
7.40 «Их нравы»
8.25 «Едим дома»
9.20 «Чрезвычайное происшествие»
9.50 «TOP GEAR»
10.25 «Дачники»
11.00 «Школа злодея»
12.00 «Военное дело»
13.00 Фильм «Акция»
15.20 «Тайны разведки»
15.55 «Своя игра»
16.55 Сериал «Кодекс чести-2»
18.40 «Чистосердечное признание»
19.15 Сериал «Опера. Хроники убойного отдела»
21.22 «Воскресный вечер с Владимиром Соловьевом»
22.30 Фильм «С любовью, Лиля»
00.45 Остро сюжетный фильм «Успеть вспомнить» (США)
2.30 «Рублевский жени»
Фильм
3.15 Фильм «Шкура ангела» (Франция)
4.30 Профессия-репортер

Шарқ дурдоналари



● Ватанпарварлик — ёлғиз ўз ватанига меҳр қўйишдан иборатгина эмас. Бу жуда қаттиқ ҳис... Бу ватан билан ўзини бир бутунликда деб билиш, унинг яхши ёмон кунларида асқотиш демасдир.

● Ҳар бир ватандошнинг энг асосли, энг муқаддас вазифаси ватанини севиш ва унга ҳаётнинг сунгги дақиқаларига ҳизмат этишдир. Ватанимизга бўлган муҳаббат ва ҳурматимиз ҳеч бир нарса билан ўлчама олмайд.

Байт:

**Ватанга нафи йўқ
ишалган хар кун,
Инсон ҳаётида қолур
бемазмун.**

● Ватан тарбиясини оила кўчигидан бошлаш лозимдир. Биласизки, кичик болаларда ватан фикри бўлмайди. Улар учун ватан — она кўчигидир. Болалар оилани сева-сева ватанларини севишга кўникадилар. Бу эътибор билан оила муҳаббати ватан муҳаббатининг асосини ташкил қилар экан. Оила муҳаббати эса оила кўчигидан ва оила муносабатларидан вужудга келгани учун ватан муҳаббати ҳам дастлабки озгичини, дастлабки қувватини оила кўчигидан олади.

Оила аъзолари орасида нақадар қувватли бўлиши ва муҳаббат бўлиса ватан муҳаббати ҳам шунча қувватли ва мустақкам бўлади. Ўз оила аъзоларига нисбатан туйғуга эга бўлмаган, уларга фидокорлик қилишни билмаган бир киши ватанга ҳам фидокорлик туйғуси билан туйғулана олмайд.

Хулоса: ватан тарбиясида дастлабки вазифа оиллага оиддир. Авлодимизга тўлиқ ватан муҳаббатини бериш учун, аввало уларнинг кўнгилларига қувватли бир оила муҳаббатини сингдиришимиз, шу билан бирга ватандошларимизга нисбатан муҳаббат ҳисларини ўйғотишимиз лозим.

Оила муҳаббати ватан муҳаббатининг муқаддимаси, биринчи босқичи эканини унутмайлик.

● Меҳнатни севиш, ғайрат билан матонат билан ишлашнинг учта ширин меваси бор. Биринчиси, таннинг саломатлиги, иккинчиси — кўнгли роҳати, учинчиси — ақл ва зеҳннинг орттишидир.

● Бахтиёр бўлишни истасангиз, ҳар бир ишингизни ўз вақтида бажаринг, бугунги ишни эртага қолдирманг, фурсатни қўлдан берманг.

● Меҳнатни севамаган одам ҳар бир бузуқликни қилишга тайёрдир. Меҳнат инсонга бахт-саодат, келтиради. Ялқовлик ва ишсизлик эса фалокат гирдобига ташлайди.

● ХИКОЯТ. Балиқчи тугтан балиқларини уйига олиб келар экан, бир зolim йўлтўсар унинг балиқларини тортиб олади ва уради. Балиқчи бундай дуо қилди: «Ё раббий, мени заиф, уни қувватли яратдингки, у менга зулм қилди. Маълумотингдан бирини унга рўпара қил, токи бутун олам ундан ибрат олсин. Ё раббий, сен ҳар нарсага қодирсан!».

Зolim балиқларни пишириб еяётган пайтда томоғига қилтанок тикилди. Нафас ололмай қолди. Табипларга юғриб даво тополмади. Кечга яқин Аллоҳга ёлворди. Зolim тушида: «Фалон одамнинг ҳақини берасан, шундан сўнг хасталикдан қутулсан» деган нидони эшитди. Уйғонар-уйғонмас шошилиб балиқчини қидириб топди. Унга минг дирхам бериб ҳалоллашди. Аллоҳнинг изми билан хасталиқдан қутулди.

Байт:

**Меҳнат ила ҳал бўлади
хар мушкул,
Ками дил меҳнат ила
бўлғай ҳосил.**

ХАВАС

Пойтахтимизнинг Амир Темур кўчасида «Sarbo» қаҳвахонаси — аф кafe очилди.

«Interkontinental», «Radisson SAS» каби муҳташам меҳмонхоналаримиз ёнида жойлашган бу муассаса менга роппа-роса ўн йил бурун ўзим хорижда гувоҳи бўлган бир манзарани эслатди. Ушанда, Сеулда хизмат сафарига юрганимда, «Shella» меҳмонхонаси ёнидаги қаҳвахоналардан бирига кирган эдим.

Жанубий Корея пойтахти Кўчаларида қаҳратон киш шахиддан тушган бўлса-да, ўрнини ҳали кўлмаган буткул бўшаб берганича йўқ ўқтин-ўқтин изгириш эсиб, булутлар қор элашга тушади. Аммо, кўча тўла машина — бири биридан чиройли. Йўлларни тўлдириб оқдани-оқдан, ярақлаган автолар мавжининг на боши, на охири бор.

Атрофда эса ҳашаматли осмонлар бинолар. Хар қадамда меҳмонхона, музей, магазин (ўша пайтларда «супермаркет» деган тушунда ҳали бизда урфга кирмаганди), қаҳвахона, ресторан. Рекламадан кўз қамашади.

Хордиқ учун атай нимкоронгу ёритилган қаҳвахоналардан бирининг ойнаванд эцигини тортидим. Ҳўрандалар, асосан ёш-яланг, ўтирган залда сокин мусиқа таралади. Деворларда катта-кичик картиналар осилган. Унда-бунда бежирим ҳайкалчалар эътиборни тортади. Ухуллас, хордиқ чиқаринг! Ана, дераза олдида йиғит ва қиз оҳиста суҳбатлашиб ўтирибди. Уртадаги столда шам ялғиллайди. Кўпчилик ҳўрандаларнинг столи даярли бўм-бўш, олдида биронта финжон — чашка борлигини айтмасан...

Сурури маззара.

Хавасим келди: «Қачон биз ҳам шундай кунларга етар эканмиз?»

«МИНТАЙ»
ЯККАҲОКИМЛИГИ

Биз, шўро замонда «таноби тақчилликдан тортилган» одамлар, бундан ўн-ўн беш йил бурун мутаррақий мамлакатларга борсан, ана шундай, афсонавий сайёрга тушиб қолгандек бўлардик. Тараққиёт карвонининг энг охирида — чангид қолиб кетганимизни англлар эдик.

Чунки, у пайтларда ҳали юртимизда Инсонга бугунгидай ҳурмат-эътибор, кенг ҳуқуқи истемолчи, миждо сифатида хизмат кўрсатиш, унинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоялаш маданияти шаклланмаган. Хориждан меҳмон чорласан, нанкии замонавий самолётларимиз, оддийгина қўлайликка эга аэропорту меҳмонхоналаримиз ҳам йўқ ҳисоби эди. Борлари эса...

Қаҳвахонага кириб, бир пиёла қаҳва буюрсангиз, официантининг афти буришиши тайин: «Овқат емасангиз, арок имчасангиз, жойини банд қилманг!» Чунки, у билардики, сиз норози бўлиб кетсангиз, эшик олдида яна қанча ҳўранда наббат кутиб турибди. Билардики, чекка жойларни қўя туринг, ҳатто Тошкентдаги шаҳри азиямда ҳам ошқона ресторан, кўнгилдагидек бир тамаддихона бармоқ билан санарли — яна шу жойга бош уриб келасиз.

«Меҳмонхона» деб фахрланиб юрган иморатимиз эса аслида ётоқхона — обжежтите экан. Хлор, кирсовун ёки зах анжиб турадиган чойшабу сониклари, қишда — музхона, ёзда ҳаммомдан фарқ қилармайдиган қўп қаравотлик хоналари, муомаласи дағал хизматчилари билан машҳур ана шундай «меҳмонхоналардан ҳам аслида бўш жой топиш ҳамиша амри махл эди.

Озиқ-овқат дўконлари пештахтасида эса текин берсангиз ҳам бирор олмайдиган «минг йиллик» товар — «Минтай» консерваси — яккахоким. Икки кило шакар олиш учун бир кун наббатда туриш керак.

Автомобил-чи? Уни набватсиз олса бўларди. Фақат бир оёғингизни урушда қолдириб келган бўлсангиз ёки хотинингиз камиди ўн нафар бола туққан бўлсангиз... Шун-

да бирорта «Москвич» харид қилишингиз учун ижрокўмдан руҳсат тегадир.

Дўконда — набват, такси бекатида — наббат, ошқонада — наббат. Савдо шохобчаларида сотувчию официант — ҳон, харидору ҳўранда хор эди.

Ўзини дунёнинг энг кудратли давлати ҳисоблаган совет ҳокимиети умрининг охиригача тақчилликка барҳам бера олмади. Аксинча, тақчиллик тақсимотга асосланган тузумнинг тилсолига айланди.

Бугун, мол-товарга тўлиб-тошган дўконларимизу бозорларимизни, замонавий меҳмонхоналаримизу кўчаларда кўзни қуватиб юрган ранг-баранг автомобилларимиз —

БУНДА ИНСОН
ТОПАДИ ҚАДР

«Ласетти», «Нексия», «Дамас», «Матиз», «Тико» ҳамда «Ўзотойул» автобусларини кўрганимизда, барча қўлайликларга эга самолётларимизда парвоз қилганимизда, тақчиллик замонида юракларни зада қилган набватда туришлар тушга ўшаб туолади. Бошимиздан ўтказган ўша кунлар ҳақида фарзандларимизга ҳикоя қилсан, улар эртак тинглангандай бўлади. Ишонмайди.

БАШОРАТ ВА
ҲАҚИҚАТ

Юнусободнинг саккизинчи мавзесида 1992 йилгача бор-йўғи кичик озиқ-овқат дўкони бўларди. Ўн беш мингга яқин киши истикомат қиладиган улкан маҳаллада на би сартарошона, на дорихона ёки кийимдўз дўкони бор эди. 125 кватирали қўпқаватли «дом»имизда иккита хонадонгагина телефон ўтган эди.

Тошкентдаги улкан шаҳардаки танқислик шу даражага етган экан, узок қишлоқлардаги аҳволни тасаввур қилиш қийин эмасди. Яқинда санаб қийдим: бугун саккизинчи мавзедога озиқ-овқат дўконлари сонни ўндан ошди. Булардан ташқари, иккитадан супермаркет, сартарошона, қаҳвахона, гўзаллик салони, дорихона, интернет-кафе, поликлинкка, спорт мажмуи, машина тузатадиган устакхона, банк шохобчаси, этикдўзлик, кийимдўзлик дўконлари ишлаб турибди. Ҳаммаси харидору миждога мунтазир. Эшигидан бош суксангиз, ҳодимлар соянгизга қўрпача тушага тайёр. Ана, миждога — сонга эътибор. Ана, истемолчи — Инсоннинг кўнглини олиш, ҳожатини чиқариш!

Мавзедо бундай савдо, овқатланиш, хизмат кўрсатиш шохобчаларидан яна нечтаси очилш арафасида. Демак, уларнинг товари ва хизматига талаб бор. Бугунги тадбиркор анойи эмас, талабни ўрганмасдан тақлиф халтасини оймайди.

Қаранг, қисқа вақт ичида шунча ўзгариш. Кунни кеча ривожланган мамлакатлардаги тўкин-сочинлик, тараққиёт энгиз афсонага ўшаб туолар эди. Бунда тақчиллик замонидаги набватлардан гап очсангиз, кўпчилик уни эртакдек тинглайди. Ҳатто, умрини «дўконлардан набватда ўтказган» баъзи ёши улуглар ҳам ўша замонларни тушида кўргандек, ё эсласини, ё ишонгини келмайди.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида келтирилган баъзи рақамлар эста тушади: 2004 йили мамлакатимизда яшди икки махсулот ҳажми 7,7 фоиз ўсди. Иқтисодиётимизнинг даярли барча тармоқ ва соҳалари жадал ва изчил ривожланмоқда — санаот ишлаб чиқариш ҳажми 9,4 фоиз, истемол моллари ишлаб чиқариш 13,4 фоиз, жулмадан, санаот тўварлари ишлаб чиқариш 18,6 фоиз кўпайди. Утган йил якунларига қўра мамлакатимиз жажонинг сезиларли тараққиётга эришган ўн давлати қаторидан жой олди.

Бу юксалиш — юртимизда Президент Ислам Каримов раҳна-

молигида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар берган ва бераётган самаралардан тегди.

Бундай пайтларда Юртобошимиз истиқлолнинг дастлабки йилларида қомил ишонч ва улуг орузу билан айтган: «Ўзбекистон — келажакги буюк давлат!» деган башоратни эсламай бўладим!

КУДАСОВНИНГ
САВОЛИ

Сеулга келган кунимиз, ҳали меҳмонхонага жойлашишга улгурмасмиздан, хар ерда ҳўзирю нозир журналистлар қуршовида қолдик.

— Нега Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги муносабатлар қутулмаганда бунчалик ривож-

ланиб кетди? — деди улардан бири. — Нега Корея ўзининг бугун МДХ мамлакатларига қиритаётган сармомясининг 80 фоизини Ўзбекистон иқтисодиётига йўналтирмоқда? Нега, корейлик ишбилармонлар бошқа мамлакатларга, масалан, Россияга сармомя қиритишга унчаллик шойилмаёпти?

Қизикувчан ҳамкасбимиз билан танишсан, Москвадаги «Новости» ахборот агентлиги мўхбири Сергей Кудасов экан. Жавоб қилдик:

— Бунинг сабаби — Ўзбекистондаги тинчлик-осойишталигу чет эл сармомясини учун яратилган қўлай шароитда. Баъзи жойларда бўлаётгани каби одамлар бир-бирига ўй узиб, қон тўқатгани йўқ. Халқимиз ишлаяпти. Тадбиркор ахли эса, биласиз, тинчлик-хотиржамлик, серунум меҳнат ва фойда қафолатланган жойга маблаг сарфлайди, сармомя қиритади.

— Албатта, — дейди бироз хижолат чекиб ҳамкасбимиз, — бу жиҳатдан сизларга хавас қилса арзийди. Бундай шиддатли ривожланишда Ўзбекистон тез орада қандай тараққиётга эришишини тасаввур қилиш қийин эмас. Ислам Каримовга «Мугункэва» орденининг берилиши ҳам беҳиз эмас-да...

Ха, ўша йили, 1995 йилнинг февралда Президентимиз Ислам Каримовга Корея Республикасининг энг олий нишонини — «Мугункэва» буюк ордени тантанали равишда таптоширди.

Бу юртимизда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан бошланган изчил ислохотлар бераётган самараларнинг хориждаги дастлабки эътирофлари эди.

Утган йил охириларда жажондаги қўлпа нуфузли ахборот агентликлари хабар тарқатди: Ўзбекистон автомобиль санаотига қиритилган сармомя ҳажми бир миллиард АҚШ долларидан ошди. Ўзбек халқи ўз истиқлолнинг ўн тўрт йиллигини нишонлайдиган кунларда эса Асакадаги «ЎзДУавто» қўшма корхонаси конвейердан ярим миллионинчи машина чиқарди.

Бундай эътирофу самарга эришш осон бўлгани йўқ. Юртимиз бошида Ислам Каримовдай дадил, қатъиятли ва узокни кўзлаб иш юритувчи доно сийсатчи турмагайди, нанкии бугунги дорилмон турмушга етиш учун қафолат бўлмас, балки халқимизнинг бошига қутулмаган қўлфатлар ҳам тушиши мумкин эди. Бу ҳам кенг эътироф этилган ҳақиқат.

ШУҚР ВА ФАҲР

Иқтисоди ривожланган мамлакатлар ҳақида гап кетса, журналистлар одатда, Жанубий Кореяни мисол келтиришни хуш қўради. «Осиё мўъжизаси», «Шарқ аждаҳоси» каби сифатларни қалаштириб ташлайди. Аммо, у бугунги тараққиётга неча йилда ва қандай эришгани ҳақидаги масала кўпичинча четлаб ўтилади. Дейлик, «корейликлар мустақиллигининг ўн тўртинчи йилда нималарга эришган?» деб сўрасангиз, тайинли жавоб олишингиз қийин. Сабаби — айтадиган гапнинг ўзи йўқ — ўн тўрт йил мобайнида халқнинг боши уруш, бошбошдоқлик ва бека-

рорликдан чиқмаган.

Бундай қўлфатларнинг бош сабаби, деб изоҳлашди тарихчилар, мустамилака зулмидан халос бўлган мамлакатда элнинг бошини бириктириб, тўғри йўлга бошлайдиган, қатъиятли йўлбоши бўлмаганида. Эгасиз юртининг эса ҳужайини қўп бўлади.

Ички ва ташқи кўчлар қутқуси билан Корея фуқаролар уруши қомига тортилди. Уч йилга қўзилган ва минглаб беғуноқ одамларнинг ёстигини қуритган биродарқўшлик мўхорабалари мамлакат парчаланиб кетиши — Жанубий ва Шимолий Кореянинг пайдо бўлиши билан тугагани тарихдан маълум.

Мустақиллигининг ўн олтинчи йилга келиб, поқдомон ва қатъиятли Пақ Чхон Хи раҳбар бўлгангина, Жанубий Корея барқарорлик ва ислохотлар йўлига юз тутган. Тинч ва осуда меҳнатни соғинган корейслар, тарихчилар ёзгандек, «бир чўким гуруч учун» кечани-кеча, қулдузни-қулдуз демай, меҳнат қилган. Кендан захматлари бесамар кетмагани эса маълум — Корея Республикаси иқтисоди ривож топган мамлакатлардан бирига айланди.

Ха, дунёда бирор мамлакат, бирор халқ фаровон ҳаёт — тараққиёт ва мўл-қўлчиликка осонликча, бир зарб билан эришмаган, эриша олмайдими ҳам. Тинчлик, барқарорлик, аҳиллик, ҳамжихатлик, фидокорона меҳнат қўшиғи топган жойда барака, юксалиш бўлган.

Бунга халқимиз истиқлол йилларида эришган ва эришаётган ютуқлар яққол мисолдир. «Бирини кўриб шўрк қил, бирини кўриб фикр қил», деган нақл беҳиз айтилмаган.

БИР ҚУЛТУМ
ҚАҲВА

Киш қанчалик қўзилган бўлса, буюр шунча тез кирди. Кеча новдалари қордан қўзилган ўриклар қад ростлаб, оппоқ гулга бурканди. Олам яшариб кетди.

«Sarbo» қаҳвахонаси қутганимдан ҳам мўъжаз ва гаштли жой экан.

— Хуш келдингиз!
Пешвоз чиққан эшик оғасига эғнидаги зарбоп тўн, бошидаги бухороча дўппи жуда ярашиб турарди.

Қаерга ўтиришимни билолмай, жиндай саросимада қолдим. Зал катта-кичик ҳўрчаларга бўлинган. Бирода хонтахта бўйига қўздай баҳмал қўрпачалар тўшалиб, болишлари билан сўри қўйилган бўлса, бошқасига — стол-стул. Таъбингизга қараб ўтираверинг.

Нимқоронгу йўлакда танбур оханги таралади. Деворлардан нақшкор сўзана, сопол лаган ва хар хил расмлар осилган. Димокка исирик бўйи урилгандек бўлади. Узингизни ўзбек хонадонига, тўғрироғи, янги тушган келинчақнинг уйига кириб қолгандай ҳис қиласиз.

— Кўнглингиз ҳилват тиласа, ҳўржага марҳамат қилинг, — дейди мезбон. — Кенгрок жой десаңгиз, ана, катта залимиз ҳам бор.

Тўй-томошага мўлжалланган залга кирверишдаги... Қўқон арава тўла мева-чева. Банану шафтоли, қовуну тарвузгача бор. Бурчакдаги столдан жой олган икки ажнабий қабоб тановулига берилган. «О, кей! О, кей!» дегани қулқоқча чалинади.

Хонатласдан қўйлак ва лозим кийиб, бошига зар дўппи қўйдирган официант қиз стол устидаги таомлонани очиб, қўнғанидан дафтар-қаламини чиқарди:

— Буюрин!
— Бир қултум қаҳва берсангиз, бас.

Шундай дедимуд ҳадик билан қизнинг юзига қарадим: «энсаси қотмасми?»

— Хўп бўлади!
Сўнг буюрганим, ангишонадек финжондаги қаҳвани ҳўзур билан ҳўплар эканман, жону танимга нафақат хуш таъм ва ажиб илмулик, айнаи чоғда масрурлик ва мамнулик тўғуси таралади: «Шу кунларга етказганимга шўқ!».

Кулман ОЧИЛОВ
(Ўза)

Дунё шаҳарлари

ЗУМРАД ОРОЛ

Ирландия яшилликларга бурканган мўъжаз мамлакат. У Фарбий Европада, Ирландия оролида жойлашган бўлиб, майдони 70,3 км кв. ни ташкил этади. Аҳолиси кўп эмас — бор-йўғи 1,5 миллион. Яшил оролнинг пойтахти кўхна Дублин шаҳри. Мамлакат 28 графликдан иборат ва 1949 йилда Республика деб эълон қилинган, Давлат бошлиғи — президент, қонун чиқарувчи органи — парламент икки палатага бўлинади: вакиллар палатаси ва сенат. Ирландияда расмий тил — ирланд ва инглиз тиллари.

Ирландиянинг тарихий маркази, ҳозирги пойтахти Дублин шаҳри Лифори дарёсининг Ирланд денгизига қуйилиш жойида жойлашган. У Оролнинг энг йирик порт шаҳри ҳамдир. Темирийл магистраллари шаҳарни бутун мамлакат билан боғлаб туради. Дублинга 841 йилда викинглар томонидан асос солинган, бироқ унинг мавқеи XVIII асрга келибгина ошди. Дублин Англия шаҳарларига жуда ҳам ўхшайди. Чунки бу шаҳар бир неча асрлар давомида инглиз маъмуриятининг оролдаги маркази ҳисобланган. Бу ўз навбатида шаҳарнинг меъморий қиёфаси ва турмуш тарзига таъсир этолмаган. Дублинда диққатга сазовор масканлар талайгина. Тринити-колледж, Дублин қалъаси ва Ирландия Давлат Галереяси шулар жумласидандир.

Ирландияда таълим тизими га катта эътибор берилди. Мамлакатнинг тараққий топишига ушбу эътибор сабаб бўлган дейишди. Бу ерда таълим олиш бошқа Европа мамлакатларига қараганда анча арзонга тушади. Таълим уч босқичда олиб борилади: 1. Бошланғич. 2. Ўрта. 3. Махсус ва олий. Ирландияда энг кекса университет Тринити-колледж бўлиб, унга 1592 йилда асос солинган. Ушбу ўқув даргоҳида айни пайтда 12000 дан ортқ талаба таълим олади. Бундан ташқари, давлатга қарашли бўлган ва хусусий университетлар кўп, улар асосан техника ва ижтимоий йўналишларга ихтисослашган. Ирланд ёшлари ўқишни битириб, ҳеч қачон иш қидириб юришмайди.

Балки битирувчиларга фирма ва компанияларнинг ўзлари иш таклиф қилишди. Буни мамлакатда иш кучи ва кадрлар етишмаслиги билан изоҳласа бўлади.

Бундан борйўғи 13 йил аввал Ирландия аграр мамлакат ҳисобланиб, Европа ҳамжамиятидаги энг қолоқ давлатлардан бири эди. Ҳозир эса бу ерда sanoat анча ривожланган, айниқса, юксак технологиялар ишлаб чиқариш бўйича Ирландия дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Ирландияни бежиз «Кельт йўлбарси» дейишмайди.

Илгари хабар берганимиздек, Назира Аҳмедова номидаги Республика хонандалар танлови ўз якунига етди. Саққиз кун давом этган мазкур танловда иштирок этган 34 нафар ёш ижрочилар бор иқтидорларини намойён этиб, ҳакамлар ҳайъати аъзоларини яна бир бор лол қолдирдилар. Ақойиб, хуш овоз соҳиблари орасидан энг сараларини танлаб олиш осон кечмади.

Танлов якунида қойилбар эълон қилинди. Энг олий соҳибига Ўзбекистон Давлат консерваториясининг биринчи курс талабаси, Ёш ижрочилар Республика танлови совриндори, Б. Тулегенов номидаги халқаро хонандалар танлови совриндори Абдумалик Абдуқаюмов муносиб деб топилди.

Биринчи ўрин Назира Аҳмедова номидаги Республика аёл хонандалари танлови дипломанти, Маннон



Ҳайъати ва танлов қойилбарларнинг фикр-мулоҳазаларини қроғза туширдик.

Матнловлар

ЭНГ ИҚТИДОРЛИЛАР ҒОЛИБ ДЕБ ТОПИЛДИ

Истиклол шарофати ила ўзбек санъати ривожига муносиб хисса қўшган атоқли ижодкорлар меҳнати муносиб кадрларнинг хотирасини абадийлаштиришга катта эътибор берилмоқда. Махшур санъаткор, опера саҳнасининг юлдузи Назира Аҳмедова номи билан ўтказилаётган хонандаларнинг Республика кўрик-танлови ҳам ана шундай хайрли ишлардан биридир.

Та театри солисти Дилбар Тошходжаевага насиб этди.

Шунингдек, Самандар Алимов, Георгий Дмитриев, Ляйла Абиева, Раҳим Мирзақамолов, Джабронил Худойберди ўғли, Галина Голубкова, Азаматжон Муҳаммадхонов каби қатнашчилар ҳам танловнинг хушовоз хонандалари деб топилди.

Тадбир сўнгида танлов қимматбахор соғилбар ва пул мукофотлари билан тақдирландилар. Биз танлов сўнгида ҳакамлар

ҳайъати ва танлов қойилбарларнинг фикр-мулоҳазаларини қроғза туширдик.

● **Рустам АБДУЛЛАЕВ**, ҳакамлар ҳайъатининг раиси: — Бир ҳафта давомида ўтказилган Назира Аҳмедова номидаги Республика хо-



на н д а л а р танлови ни ҳоётда юксак савияда ўтказилди. Унда кўлаб ноёб овоз эгалари, ёш юлдузлар кашф қилинди. Танловни ўтказишдан асл мақсад ҳам, айнан шу ёш истеъдодларни юзага олиб чиқишдан иборат эди. Албатта, иштирокчиларнинг ҳаммаси ҳам иқтидорли, лекин биз ҳакамлар ҳайъати ҳамкорлида энг дилбар овоз эгаларини саралаб олишга мушарраф бўлдик. Энг қувонарлиси, ёш эркак овозларни кашф этдик. Мен барча танлов иштирокчиларига мусиқа ҳаётида янада юксак чўқиқларни забт этишларини тилаб қоламан.

● **Абдумалик АБДУҚАЮМОВ**, Гран при соҳиб: — Мен жуда ҳаяжонданман. Ғолиб бўлиши истасан эдим, лекин олий совринни кўлга киритаман деб ўйламагандим. 2004 йил Қозғистонда ўтказилган II халқ-

аро хонандалар танлови совриндори бўлгандим. Ғолиб бўлиш кимга ёқмайди дейсиз. Мен бу танловда С. Бобоевнинг «Хамза» операсидан Хамза ариясини, Т. Содйқовнинг «Жоннон кўринур» романсини, хуллас 8 та турли хил ария, опера романсларни ижро этдим. Бундан кейин ҳам наин-

ки юртимизда, балки халқаро танловларда ҳам ғолиб бўлишга, ўзбек мусикасини дунёга танитиб тараннум этишга ҳаракат қиламан.

Дарҳақиқат, ушбу танлов фақат аёл хонандаларинигина эмас, балки эркак ижрочиларни саралаб олишда ҳам муҳим аҳамият касб этди. Бугунги кунда ноёб саналган тенор, баритон, бас овоз соҳибларини, янги-янги юлдузларни кашф қилди. Умид қиламизки, танлов ғолиблари юртимиз доверугини ўз қўшиқлари билан бутун дунёга маълум машҳур қиладилар.

Гулнор САТТОРОВА СУРАТЛАРДА: танловлар лавҳалар.

Владимир Гранкин олган суратлар.

Қўтқарув хизмати

НИМА БЎЛДИ СЕНГА, ҚИЗАЛОҚ?

Кўпчилик инсонлар фавқуллода вазият деганда фақат табиий ва техноген тусдаги офатлар натижасида келиб чиқадиган ҳодисаларни тушунишади. Лекин бундан ташқари катта-кичик йўл-транспорт ҳодисалари, иш жойларидаги асбоб-ускуналарнинг носозлиги ва техника хавфсизлиги қоидалари талабларига жавоб бермаслиги туфайли юзага келадиган, инсон саломатлигига шикаст етказувчи ҳар қандай кичик ҳодисалар ҳам фавқуллода вазиятларни келтириб чиқариши мумкин. Чунончи, баъзи инсонларнинг билиб-билмай қилган эътиборсизлиги айрим кўнгилсиз ҳодисаларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлмоқда.

Ана шундай қалтир вазиятларда пойтахт аҳолиси хавфсизлигини таъминлашга шай турган Тошкент шаҳар Фавқуллода вазиятлар бошқармасининг 050-«Қўтқарув хизмати» сайи ҳаракати туфайли куну тун давомида бирор қорхўл рўй берганда аҳолига беминнат ёрдам кўрсатилмоқда.

Бунга мисол қилиб жуда кўп ҳодисаларни келтириш мумкин. Масалан, ўтган ҳафтада Тошкент шаҳар Фавқуллода вазиятлар бошқармасининг навбатчилик-диспетчерлик хизматида Травматология илмий-текшириш институти травматология бўлимининг навбатчи шифокори Э. Шукуров томонидан 2003 йилда турилган, Шайхонтоҳур тумани, Оҳақчи кўчаси, 42-ўй, 65-хонадонда истикомат қилувчи Муслима Мирсаидованинг ўнг қўлининг бармоқлари электр гўшт

қиймалогич ичига кириб қолиши оқибатида қаттиқ жароҳат олгани, уни чиқариб олишнинг иложи бўлмаётганини тўғрисида хабар берилган эди.

Тошкент шаҳар Фавқуллода вазиятлар бошқармасининг «Қўтқарув хизмати» тезкор гурӯҳи масъул ходимлари ва қўтқарувчи (Д. Хўжамиёров, Б. Исоқов, О. Умаров)лари зудлик билан 10 дақиқа ичида қақирув жойига етиб келишганида қизалоқ чирқиллаб йиғлар, ота-онанинг юз-кўзларида ташвиш аломатлари зоҳир эди. Шифокорнинг ҳам боши қотган, қизалоқнинг биллагидан ушлаб тортай деса, жажжи бармоқчалар узилиб кетиб, норасида гўдак бир умрга мажруҳ бўлиб қолишини ўйлаб «Қўтқарув хизмати»га кўнгирок қилишган экан.

Ҳалоскорлар вазиятни тўғри баҳолаб, шифо-

корларнинг ўз вазифасини бажариши учун имкон яратиш мақсадида, қизалоқ шикаст етказмаган ҳолда электр гўшт қиймалогични махсус асбоб-ускуналар — электр кестич ҳамда кенгайтирувчи мосламалар ёрдамида очиб, қизалоқнинг қўли «темир қафас» ичида чиқариб олинди. Қўтқарувчиларнинг ва шифокорларнинг тез ва қақдон, самарали меҳнати туфайли хавфнинг олди олинди.

Ота-онанинг безовта, қайғули кўз ёшлари қувонч ёшларига айлангани қўтқарувчиларнинг ўз олдларига қўйилган машаққатли вазифани бажарганликлари ва муваффақиятга эришганларидан далолат эди.

Ҳаётимизга жадаллик билан кириб келаётган замонавий илмий техника воситаларини инсонлар юмушини анча энгиллаштирса-да, бироқ улардан фойдаланишда техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслик, лоқайдлигимиз юқоридаги каби кўнгилсиз ҳолатларни келтириб чиқариши, балки ўндан ҳам оғир аҳволларга олиб келиши мумкинлигини унутмаслигимиз керак.

Яна шунинг эътирофи эиш жоиэки, «Қўтқарув хизмати» халоскорлари шароитдан келиб чиққан ҳолда ҳар қандай вазиятда аҳолига эълуксиз ёрдам кўрсатишга шай.

ТАХРИРИЯТДАН: Газета жамоаси қизалоқнинг ҳеч нарсa кўрмагандай тез кунлар ичида соғайиб кетишига тилақдош. Ойлар, йиллар ўтсада жажжиға Муслима хон ўз халоскорларининг беминнат хизматларини унутмаса керак.

Уллубек ЖУМАОБОВ, Азамат СУЮНОВ.

Мунажжам башорати

ТАШАББУС КЎРСАТИНГ!

29 МАРТ, СЕШАНБА

Ойнинг йигирманчи кунини - ғалати ва олдидан билиб бўлмайдиган ҳодисалар, самовий илоҳий таъсир ва муҳофаза кунини ҳисобланади. Шу кунини ҳар қандай киши инсон руҳининг ҳам, нозик астрал таъсирининг ҳам овчиси бўлиб майдонга чиқиши мумкин. Шунинг учун имкон қадар ўзaro мулоқотларни ҳам, ижтимоий фаолликни ҳам чеклаш керак бўлади. Сўзларингизга эътибор қилинг, бирон ваъда беришдан ўзингизни тийинг.

Айниқса, Ойнинг йўналиши сиз ҳолатида бўладиган даври — кундуз соат 12 дан тунги соат 1 гача (30.03) бўлган вақт шошқалоқлик билан юритилган мушоҳадалар, мансаб мавқеини суиистеъмо қилиш, ўзининг ҳақлигига ҳаддан зиёд бино қўйиш каби қўсуллар билан тавсифланади. Бундан ташқари бугунги Ой ўта тақабурлик ва шухратпарастлик билан ўз қилишлари қурбони бўлиши мумкинлигини инсонга эслатади.

Бугунги ҳар қандай танишувлар оғир оқибатлар ва нохуш ҳолатларга олиб бориши мумкин. Бугун қарзга пул сўраш ҳам, пул олиш ҳам мумкин эмас. Бировнинг нарсасини олиш, кўчаларда тушиб қолган нарсаларни олиш ҳам мумкин эмас (бу билан сиз бировларнинг муаммоларини зиммангизга оласиз). Эскирган ва ноқерак нарсалардан халос бўлиш, хоналарни йиғиштириш ва супуриб-сидириш, қирларни ювиш керак бўлади. Лекин янги нарсa сотиб олмаганингиз маъқул.

Мабодо, бугун уйингиз олдида бирон жонивор келса — у яхшилик аломати ҳисобланади (уни хафа қилмаслик, ҳеч бўлмаганда қорнини тўйдириб қўйиш керак). Синган кўзгу, тўхтаб қолган соат, дарз кетган шиша идиш нохушлиқлардан оғохлантирувчи белгилардир.

Бу кечки тушлар башоратли бўлади, лекин ўнгидан келиши учун анча вақт кетади ва шахсан ўзингиздан кўра атрофингиздагиларга кўпроқ алоқадор бўлади. Тушда

марҳум аждодларни кўриш — яхшиликка, улар сизга келадиган ёрдам ва химоядан хабар беради.

Уруғ сепиш, янги иш бошлаш, шаҳар ташқарисига сайру савҳатлар, ҳуқуқшунослар билан мулоқотлар, жамиятларни ташкил этиш бугун хайрли бўлади.

Тери ва жигар заифлашган бўлиб, аллергия хуружи рўй бериши мумкин.

Кийинишда яшил ва кўк ранглар бугун хосиятли бўлади. Сариж, қизил ва қора либосларни чеккароқ сариб кўя туринг.

БУГУН:

- янги ишни бошлайвериш;
- ўзингизга ёқмаган нарсаларнинг ҳаммасини алмаштириш;
- мақсадга эришишда ташаббус ва қатъият кўрсатиш;
- турли хил муаммоларни ҳал этишда аввало ақл билан иш кўриш;
- мунозараларда, айниқса улар сизга алоқадор бўлса - фаол қатнашиш;
- қатъият ва иродангизни намойён этиш тавсия қилинади.

Яқин кишиларингиз билан муҳим масалаларни муҳокама этиш, худбинлик қилиш, фақат ўз манфаатларингизни кўзлаб иш тутуш хатарли ҳисобланади.

Спорт

ФИДЕ ҚАНДАЙ ҚАРОРГА КЕЛАДИ?

Яқиндагина Испаниянинг Линерес шахрида жаҳоннинг энг кучли шахматчилари ўртасида супертурнир ўтказилганди.

Унда Каспаров, Анад, Адамс, Топалов сингари шахмат усталарига қарши дон сурган 2004 йилги жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов олтинчи ўрин билан кифояланганди. Қизиги шундаки, ушбу турнирда Гарри Каспаровга иккинчи ўрин насиб этди ва у кутилмаганда шахматдан кетишини, жуда толиққанлигини эълон қилди. Унинг бу қарори табиийки, ФИДЕ раҳбарларини ўйлантириб қўйди. Сабаби, мутлақ жаҳон чемпионлиги учун Каспаров — Қосимжонов баҳси ўтказилиши яна савол остида қолди.

Эндилда агар Каспаров ўз қарорига қатий турса ФИДЕ томонидан мутлақ жаҳон чемпионлиги учун курашни кимлар давом эттириши ҳақидаги янги режа эълон қилиниши керак. Ҳар ҳолда Рустам Қосимжонов энди қайси гротсмейстерлар билан дон сурати? Буни вақт кўрсатади.

ВЕЛОПОЙГАЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Қозғоқистоннинг Чимкент шахрида велоспойга бўйича халқаро турнир ўтказилди. Ун икки давлат терма жамоалари аъзолари баҳс олиб борган ушбу турнирда мамлакатимиз велоспойгачиларининг ҳам муваффақиятли қатнашганлиги қувонарли ҳолдир.

Этиборли томони шундаки, олти босқичда ушатирилган мусобақалар ўзбекистонлик спортчиларга омад келтирди. Велоспойгачимиз Александр Лагутин олти босқич якуни, 75 километрлик масофа ҳамда «Энг фаол велоспойгачи» йўналишларида учта бронза медалини қўлга киритган бўлса, 30 километрлик масофада барча рақибларини ортда қолдира олган Алексей Смирновга олтин медал насиб этди. Шунингдек, 100 километрлик масофада Алексей Смирнов учинчи ўрин билан кифояланди. Яна бир спортчимиз Владимир Тўйчиев 10 километрлик масофада маррага иккинчи бўлиб етиб келди.

Умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллаган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Ватанимизга ёруғ юз билан қайтишди.

(Ўз мухбиримиз)

Тошкент Давлат тиббиёт институ томонидан 1992 йилда Байматов Раҳмонберди Каримович номига берилган ШВ № 622510 рақамли диплом йўқолиши сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

2005 — Сихат-саломатлик йили

БЕЛЛАШУВЛАР МУРОСАИСЗ КЕЧДИ

Жорий йилнинг Юртбошимиз ташаббуслари билан «Сихат-саломатлик йили» сифатида эълон қилиниши барча соҳалар қатори спорт-соғломлаштириш ишларининг жонланишига ҳам кенг йўл очмоқда. Хусусан, хотин-қизлар ўртасида кўплаб спорт тадбирлари уюштирилатгани уларнинг репродуктив саломатлигини ҳимоя қилиш борасида кенг қўламдаги сазй ҳаракатлар давом этаётгани қувонарли ҳолдир.

Шундай спорт мусобақаларидан бири Мирзо Улуғбек туманига қарашли «Умид» соғломлаштириш мажмуасида бўлиб ўтди.

Мусобақаларнинг асосий ташаббускори Болалар спортини ривожлантириш жағмармасининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамда шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ҳисобланади. Кўзланган мақсад эса одатдагидек, хотин-қизларни оммавий спортга жалб этиш, улар орасидаги истеъоддиларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратиб бериш, янги спорт секциялари фаолиятини такомиллаштиришдан иборатдир.

Таъкидлаш жоизки, учрашувда иштирок этган раҳбар аёллар спортнинг во-

лейбол, стол тенниси, шахмат, шашка ва эстафета турлари бўйича баҳслашиб, ўзларининг бу борадаги жисмоний имкониятларини амалда намойиш этишди. Шаҳар босқичи ҳисобланган ушбу баҳсларда пойтахт туманларидаги спорт тадбирларида голибликни қўлга киритган 11 жамоадан ўрин олган 165 нафар спортчи иштирок этди.

Турнир давомида Мирзо Улуғбек туманидаги «Гулшан» маданият уйи ижрочилари томонидан дилтортар куй-қўшиқлар ижро этилди.

Шундай қилиб муросасиз ўтган спорт мусобақалари якунида волейбол, стол тенниси, шахмат-шашка ва эстафета турларида омадларини синаб кўрган Мирзо Улуғбек тумани хотин-қизлари биринчи, Миробод ва Чилонзор жамоаси вакиллари эса иккинчи ва учинчи ўринларни қўлга киритишди.

Хумоюн АЛИЕВ

Мақдмот

«БАХТ УЧУН МИЛЛИОН»

Яқинда Алишер Навоий номидаги Санъат саройида «Бахт учун миллион» бадиий фильмининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

да ўзларининг орзу-ниятларига эришадилар. Бош ролларни — Сарвинозни ёш эстрада юлдузи Севинч Мўминова, Одилни эса истеъодли актёр Улуғбек Қодировлар ижро этганлар.

Шунингдек, фильмда Гавҳар Зокирова, Убайдулло Бақоев, Эркин Комилов, Саида Раметова, Аида Давлетова, Мирза Азизов каби актёрлар қатнашганлар.

Фильмининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда, киноасар учун махсус иккита «Танго», «Ҳаёт» деб номланган янги қўшиқ яратилган бўлиб, уларни Севинч Мўминова ижро этди.

Фильм тақдирмотидан сўнг унинг ижодкорларини суҳбатга тортдик. **Севинч Мўминова:** — бу менинг кинодаги илк ролим. Уни қанчалик уддалай олганимни фақатгина томошабин айта олади. Албатта халқонландим. Чунки илгари, «Сарвиноз» фильмида Шаҳзода бош ролни ижро этган. Томошабин бизларни таққослаш турган гап. Лекин мен ролимни юрагимга суяниб чин дилдан ижро этдим. Умид қиламанки кино мухлисларига албатта ёқади.


ларини суҳбатга тортдик. **Севинч Мўминова:** — бу менинг кинодаги илк ролим. Уни қанчалик уддалай олганимни фақатгина томошабин айта олади. Албатта халқонландим. Чунки илгари, «Сарвиноз» фильмида Шаҳзода бош ролни ижро этган. Томошабин бизларни таққослаш турган гап. Лекин мен ролимни юрагимга суяниб чин дилдан ижро этдим. Умид қиламанки кино мухлисларига албатта ёқади.

Баҳром Ёқубов, режиссёр: — бу фильми «Сарвиноз»нинг тугалланган қисми дейиши мумкин. Нега ёш эстрада юлдузи Шаҳзода эмас, Севинч бу кинода бош ролга тақлиф қилинди деган савол томошабинни ўйлантириши табиий. Шаҳзодининг ҳам ўзига хос жиҳатлари,

иктидори бор. Лекин Севинч Мўминованинг кинодаги талқини, образга сингиб кириши бу ўйламанки, фильмизнинг ютуғи. Худо хоҳласа кино муваффақият қозонади.

Дарҳақиқат, мазкур фильм томошабинни ўйга толдириб, қаҳрамонлар ҳаётига шўнғиб кетишига сабаб бўлади. Чунки кинодаги ҳар бир рол ўзига хослиги, реалиги билан қувончлидир. Бироқ баъзи бир сюжетлар томошабинни зериктириб юборади. Нима бўлганда ҳам янги фильм ўз томошабинларини топишига ишонамиз.

Гулҷебра ДУРДИЕВА СУРАТЛАРДА: «Бахт учун миллион» фильмидан лавҳалар.



«01»


ЎТ БАЛОСИДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Ёнғин халқ ҳўжалигига қатта зиён етказувчи, турар жой ва хуссий мулкларни бир пасда қуйдириб кул қилувчи, баъзан кишиларнинг бир умрга майиб ва халок бўлишига олиб келувчи тилсиз офатдир.

Афсуски, турар жойларда ёнғин содир бўлишига кўпинча фуқароларнинг ўт чиқиш хавфига парвосиз қарashi, электр асбоблари, газдан фойдаланиш қоидаларига риоя этмасликлари сабаб бўлади. Болаларнинг гўгурт билан ўйнаши натижасида ҳам жуда кўп ҳолатларда ёнғин чиқади ва улар оқибатида кўпинча ўша болаларнинг ўзлари тан жароҳати олади. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун кундалик турмушда риоя қилиниши шарт бўлган ёнғин хавфсизлиги қоидаларини яна бир бор эслатиб ўтаемиз:

- кекса ва ўсмир ёшдаги одамларни уйда қаровсиз қолдирманг;
- иш жойингизда, уйингизда қўлбола электр иситиш воситаларидан фойдаланманг;
- ёниб турган газни қаровсиз қолдирманг, уларни ёқиш ёки учирши болаларга ишониб топширманг;
- газузатгич ва газ плита ёнига буюмлар тахлаш ва ҳўл буюмлар, кийим-кечақларни қуритишга йўл қўйманг;
- газузатгич ва газ асбоблардан газ сизиб ўтиш-ўтмаслигини текшириш учун уланган жойларига ёниб турган гўгуртни яқинлаштириш мумкин эмас (газинг сизиб ўтиш-ўтмаслиги фақат совунли сув суркаш йўли билан текширилади);
- қуриган шох-шабба, ҳазонларни ёки чиқиндиларни ёқманг;
- ёнғин чиққан тақдирда дарҳол 01 телефон рақами орқали ўт ўчирувчиларни чақиринг, шундан сўнггина мавжуд воситалар ёрдамида ёнғинни ўчиришга ҳаракат қилиш лозим.

Мирзо Улуғбек тумани ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлими.



— Вой-бу, кўчалар бекилиб қолибтику ким тўй қилаяпти, ўғлим?
— Анови Баҳром бойвачча борку фирманнинг ҳўжайини ўша туртилган невараси шарафига ош бераяпти.

Абдурусол Ҳақимов чизган расм.



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилымиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар — 133-28-95, 132-11-39, факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 5009 нусхада босилади. Қозғоқ бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бонқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кўналари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаманга» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшони»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбос ақциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.